

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ғ.Ҳ.Ҳамидов, Р.С.Махсудова, М.Юлдашева**

**САНОАТ БОТАНИКАСИ**

**Фарғона -2011**

Такризчи:

б.ф.н, доцент. Шоназаров Р.Ш.

УДК. 58. 575: 1; 581.9

Саноат ботаникаси (Ҳамидов Ф.Х.. Махсудова Р. Юлдашева М. Фарғона: 2011 йил 92 6.)

Юқори ўсимликлар саноат корхоналари томонидан атмосферадаги чиқарилаётган ҳар хил кимёвий газларни ассимиляция қиласи. Шунингдек улар сув ва тупроқ ресурсларига тушаётган заҳарли бирималарни нейтраллаштириб, уларни соғ ҳолатга келтиришда бевосита иштирок этади.

Антропоген омилларнинг флора ва ўсимликлар қопламига таъсири. ҳамда ифлосланган атроф-мухитга ўсимликларнинг чидамлилиги баён этилган. Ўсимликларнинг техноген ландшафтларни оптималлаштиришдаги ўрни ва роли кўрсатилган.

Камёб ва ноёб турларни муҳофаза қилишга эътибор қаратилган.

Ўкув қўлланма ботаниклар, экологлар, физиологлар ҳамда яшил дўстларимиз хисобланган ўсимликлар оламидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофазасига мутасадди кенг омма учун мўлжалланган.

## **Мундарижа.**

Сўз боши;

Саноат ботаникаси фанининг предмети, унинг мақсад ва вазифалари;

Антропоген омилларнинг флора ва ўсимликлар қопламига таъсири;

Атмосферанинг ифлосланишини экосистемаларга гаъсири.

Ифлосланган атмосфера ҳавосининг маданий ўсимликларга таъсири;

Тупроқнинг саноат корхоналари чиқиндилари билан ифлосланиши;

Ўсимликларнинг атроф-мухитни ифлосланишига чидамлилиги;

Ўсимликларнинг ҳаво таркибидаги чангни ушлаб қолиши тўғрисида;

Ўсимликларнинг олтингугурт ва водород фторид билан ифлосланган

ҳаво реакцияси;

Ўсимликлар томонидан оғир металларни аккумуляция қилиниши;

Саноат корхоналари санитария гигиена зоналарида ўсимликлардан фойдаланиш;

Саноат чиқиндилари билан ифлосланган шароитда ўсимликларнинг физиологик-биокимёвий жихатдан чидамлилиги;

Жанубий Фарғона биогеохимия провинциясида атроф-мухитни ва биотанинг симоб моддаси билан ифлосланиши;

Ўзбекистоннинг ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турлари;

Хулоса;

Фойдаланилган адабиётлар.

## **Сўз боши.**

Ўзбекистон қадим замонлардан бери фани ва маданияти юксак даражада тараққий этган мамлакатлардан хисобланади. Унинг қадимий ва мафтункор заминида дунёга машхур олиму-шоирлар, уламою-фузалолар: Ал-Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий. Бурхониддин Марғилоний, Нақшбандий, И smoил Ал-Бухорий, Ҳўжа Аҳмад Яссавий, Захириддин Мухаммад Бобур, Мирзо Улуғбек, Увайсий. Нодирабегимлар яшаб, сермазмун ижод қилганлар. Унинг серунум тупроғида ширин-шакар мевалар, полиз экиnlари, олтиндек бодому кумушдек хандон писталар етиштирилган.

Бироқ етмиш йилдан ортиқроқ мустабид тузум, нафақат Ўзбекистонда ва Марказий Осиё минтақасида ғоят ҳавфли экологик вазиятни вужудга келтирди. Республикани асосан ҳом-ашё етиштиришга мослаштирилиши. қишлоқ хўжалик экиnlари учун қўп миқдорда кимёвий бирикмалардан фойдаланиши оқибатида ўйламай, саноатни атроф-мухитга катта зарар келтирадиган соҳаларини барпо этиш, қўп йиллар давомида вужудга келган табиий мувозанатни издан чиқарди.

Гарчи Ўзбекистонда экологик муаммолар XX аср ўрталаридан бошлаб кўзга ташланса ҳам, аммо унинг натижаси 80 йилларга келиб яққол кўзга кўрина бошлади. Табиий имкониятлардан самарасиз фойдаланиш натижасида атроф-мухитни ифлосланишига сабаб бўлди. Янги ерларни кўплаб ўзлаштирилиши, пахта якка ҳокимлиги, саноатни пахтачиликка мослаштирилиши иқтисодий-ижтимоий қийинчиликларга олиб келди. Бунинг устига-устак Орол денгизининг қурий бошлаши билан содир бўладиган муаммолар кўндаланг бўлиб қолди. Натижада бизда. ҳамда Марказий Осиё минтақасида атмосфера, гидросфера ресурслари ифлослана бошлади. Литосфера ресурсларини сифати ёмонлаша бошлади, флора ва фаунамиз таназзулга учраб. уларни ареаллари ва табиий захиралари камая бошлади.

Экологик муаммолар ва атроф-мухитнинг мусаффолиги масалалари мустақилликка эришилгандан кейингина кенг қўламда эътиборга моле бўла бошлади.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича маҳсус режа ва дастурлар амалга оширила бошлади. Жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон мустакил равишда БМТ нинг тўлақонли аъзоси сифатида қатор Халкаро ташкилотларда актив фаолият кўрсатиб келмоқда, бундай ташкилотлардан Юнеско, Юнисеф, Юнистар, Проон ва бошқалар. (71, 72, 73)

Марказий Осиё республикаларининг интеграциялашуви учун хақиқатдан ҳам бир қатор дастлабки шарт-шароит ва сабаблар мавжуд. Булар жумласига иқтисодий ривожланишнинг бошланғич даражаси баробарлиги, ижтимоий-иктисодий, экологик муаммоларнинг бир хиллиги, ягона транспорт, энергетика коммуникациялари ва бошқалар.

Ўзбекистонда экологик ташкилотлар анча вақтдан бери фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Жамоатчилик иштироқидаги экологик ташкилотлар охирги вақтларда талайгина фойдали лойихалар ва тадбирларни планлаштирумокдалар. Республикада кўплаб нодавлат, нокоммерция ташкилотлар (НХТ) тузилди ва улар барча худудларимизда фаолият олнб бормоқдалар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдники, бир неча йил мобайнида Ўзбекистонда экологик холатни нормаллаштириш кўзда тутилмоқда. Албатта, бу ишлар барча соҳаларни қамраб олмайди, бу борада ҳам қилинадиган вазифалар кўп.

Айрим халкаро лойихаларни амалга ошириш давом этмоқда, жумладан Фарбий Тяньшанда биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш, чиқинди моддаларни бошқаришнинг Ўзбекистондаги стратегияси, Атроф-мухитни холатини мониторинги учун биоиндикаторлар. Нурота - Кизилқум биосферали қўрикхонасини ташкил қилиш.

Атроф-мухит ва табиатни муҳофаза қилиш муаммолари қийинлашиб ўта зиддиятли тус олган ҳозирги вақтда. табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнн мувозанатга келтириш асосий вазифалардан хисобланади. Табиат инсон ва жамият орасидаги ўзаро алоқадорлик муаммоси саналади. Табиат ҳар бир тарихий босқичларда инсонни яшаш муҳити, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш манбайи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Мураккаб ва тез ўзгарувчан ҳозирги замонда, бутун сайёрамиз миқиёсида, барча қитъалар, мамлакатлар табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни бир-бирларига мувофиқлаштиришлари ва оптималлаштиришлари зарур.

Мустақил ва суверен Ўзбекистон бугунги кунда Жаҳон ҳамжамияти билан хамкорликда барча халкаро битимлар ва экологияга доир конвенцияларда иштирок этиб, ўз олдига қўйган вазифаларни яқдиллик билан амалга ошириб келмоқда.

Бундан бир неча ўн йиллар илгарн атроф-мухит ва табиатни ифлосланиши деган тушунча. шунчаки бир салбий холат деб эътибор этилган бўлса, бу нарса, ҳозирги вақтга келиб жиддий тус олди. У маҳаллий ва минтақавий рамкадан чиқиб, умумбашарий муаммога айланди. Атроф-мухитни ифлосланиши ва бошқа экологик муаммолар давлатлар даражасидаги устивор масалаларга кўтарилди. Катта-катга ўрмонларни йўқ қилиниши. атмосфера, гидросфера. литосферани ифлосланиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг вакилларини таназзулга учраши, уларни тубдан назорат ва муҳофаза қилиш заруриятини келтириб чиқарди.

Булардан ташқари саноат корхоналарининг чиқиндиларини қайта ишлаш антропоген ва техноген омилларнинг атроф-мухитга, биотага таъсирини ўрганиш вазифалари юзага келди. Барча сув ва қуруқлик экосистемаларига тушаётган антропоген нагрузкаларни барвақт аниқлаш. қолаверса ҳар бир экосистема ёки биогеоценозга тушаётган тазийикларни нормасини белгилаш

зарур бўлиб қолди. Бундай қийин ва мураккаб вазифаларни *бажарии* учун экологлар ва бошқа қатор мутахассислар фаолиятини бирлашувини кенг хамкорликни тақозо қилади.

Маълумки, ҳар бир фаннинг келиб чиқиши унга бўлган эҳтиёж ва зарурият билан белгиланади. Худди шу нарса яъни, атроф-мухитни ва табиатни муҳофаза қилиш зарурияти "Саноат ботаникаси" фанининг келиб чиқишига омил бўлди. Яшил дўстларимиз хисобланган ўсимликлар биосферамизнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, уни табиат ва инсон ҳаётидаги роли ғоят катта. Ўсимликларнинг энг ноёб функцияларидан бири, у атроф-мухитни ифлослантираётган чиқинди моддаларни нейтраллаштириб, уларни захарли томонларини камайишига олиб келади.

Ҳозирги вақтда атроф-мухитни сифатини ёмонлашиб бораётган вазиятда ўсимликларнинг бундай ноёб хусусиятларидан самарали фойдаланиш зарур.

Юқоридаги холатлардан келиб чиқсан холда, ҳамда муаммонинг муҳимлигини хисобса олиб, *Олий ўкув юртларининг ботаника ва экология мутахассисликлари талабалари учун биринчи марта ўзбек тилида "Саноат ботаникаси" фанидан услубий қўлланмаси тайёрланди*.

Қўлланмани тайёрлашда 1980 йилда Киевда Украина Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Е.Н.Кондратюк таҳрири остида чоп этилган "Промышленная ботаника" дарслигидан, 1988 йилда Ленинградда босилиб чиқсан инглиз тилидан рус тилига таржима килинган "Загрязнение воздуха и жизнь растений" номли монографиядан фойдаланилди.

Булардан ташқари С.М. Ўрмоновнинг (1996) "Фаргона вилоятининг жанубий туманлари экосистемаларидаги симоб моддасини тадқиқ қилиш" номли диссертацион иши материалларидан кеиг фойдаланилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур иш муҳим мавзуга бағишланиб, қилинган ягона иш хисобланади.

## **Мавзу: Саноат ботаникаси фанининг предмети, унинг мақсад ва вазифалари.**

Маълумки табиат ва жамият муайян қонуниятлар асосида келиб чиқсан ва ривожланган. Улар орасида азалий, доимий ва мураккаб муносабатлар бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бундай муносабатлар бир-бирларнга хос ва монанд бўлиб, бир-бирларини тақозо этади. акс холда тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада қўнгилсиз ходисаларга олиб келинади.

Ер юзидағи инсон ва бошқа тирик мавжудотлар яшайдиган мухит, биота яъни биологик организмлар томонидан содир этилган, қайсики улар мана 4 млярд йиллардан бери ўша мухитда яшаб келмокдалар. Шунинг билан биргаликда улар, шунчаки ушбу мухитга яхши мослашибгина эмас, балки. ушбу мухитни ҳам ўзларига хос равишда ўзгартириб ва уни бошқариб келадилар. Демак мухитни ўзгартнриб уни бошқариб турадиган тирик мавжудотлардан ўзга куч йўқ. Афсус, хозирги вақтга келиб, тирик мавжудотларни атроф-мухитни бошқариш қобилияти сусайиб кетди, буни устига-устак инсоният бутун ўзини эволюцияси давомида 70% табиий экосистемаларни йўқ бўлишига олиб келди. Буни исботи тариқасида қуидагиларни келтирмокчимиз. Бундан бир неча асрлар муқаддам планетамиз бўйича қуруючикнинг 47-50% ўрмонлар билан қопланган бўлса, 1950 йилларга келиб бу рақам 25-27% ни. 2000 йилларга келиб эса 16-17% га тушиб қолди. Демак, ўрмон экосистемаси ҳозирги кунга келиб 2-3 марта қисқарган.

Ўрмонларнинг тўхтовсиз йўқ қилинаётганлигининг бир неча сабаблари бор. Шулардан бири ривожланаётган давлатларнинг 2/3 аҳолисининг майший-хўжалик эҳтиёжлари билан боғлиқ. БМТ нинг озиқ - овқат комиссияси (ФАО) нинг хulosасига қўра 1980 йилда тахминан 1.2 млрд аҳоли ўтиндан асосий ёқилғи сифатида фойдаланган. Африкадаги Буркина Фасо (98%), Танзания (92%), Нигерия (82%), Судан (74%), Кения (71%), Ҳиндистон (33%), Никарагуа (50%) каби давлатларда ўтин ёқилғисидан кенг фойдаланадилар. Амазонка дарёси хавзасидаги ўрмонларнинг йўқ қилиниши

ҳавфли суратларда содир бўлмоқда, қайсики улар улкан биологик ва генетик резервация хисобланиб, бу дунёдаги 80% ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг вакиллари хисобланади.

Тропик минтақаларда хар 10 гектар қирқилган ўрмонзорларни фақат 1 гектаригина тикланмокда, бу нисбат Африкада 29:1, Осиёда 5:1 ни ташкил қиласди.

Бутун дунё соғлиқни сақлаш (ВОЗ) ташкилотининг кўрсатмасига мувофиқ, шаҳарларда хар бир кишига 50 кв.м шаҳар атрофларида эса 300 кв. м майдонда ўрмонзор ташкил қилиниши асосланган.

Қуруқ иқлим минтақаларида чўлланиш 1970 йиллардан бошлаб катта таҳдид солмоқда. Кўрилаётган амалий чораларга қарамасдан антропоген чўлланиш майдони ҳар дақиқа сайн ортиб бормоқда.

Атроф-мухитни ифлосланиб, экологик муаммоларнинг чигаллашиб боришига, "Саноат ботаникаси" фанининг нима алоқаси бор деган табиий савол туғилади. Юзаки қаралганда бу масалада ҳеч қандай алоқа йўқдек туюлади. Аслида эса ундей эмас. "Яшил дўстларимиз хисобланган" ўсимликларнинг атроф-мухитни соф ҳолатга келтиришда ва экологик муаммоларнинг юмшатилишда ғоят аҳамияти катта. Маълумки, ўсимликларда кечадиган ноёб фотосинтез жараёни туфайли ҳавога соф кислород етказиб берилади ва унинг таркибидаги заарли карбонат ангидрид гази камайтирилади. Ёзинг иссик бир кунида ҳар хил ёшлардаги дарахтлардан ташкил топган бир гектар ўрмонзор *120-150 кг органик модда* содир этади, бу жараёнда эса ҳаво таркибидаги 220-280 кг СО<sub>2</sub>; гази ютилади. Энг мухими 180-220 кг соф кислород атмосферага чиқарилади. Шу оддий туюлган жараённинг ўзи биосферамизнинг барқарорлигини таъминлайди, яъни ер юзида инсон ва барча тирик мавжудотларнинг ҳаёти кафолатланади.

Булардан ташқари ўсимликлар ҳавога фитонцидлар чиқариб, хар хил касаллик тарқатувчи вирус ва бактерияларни ўлдиради. Улар иқлимини мўътадиллаштириб, фитоиқлим содир этадилар.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқсан ҳолда "Саноат ботаникаси" фанининг мақсади қўйидагича белгиланади: атроф-мухитни антропоген ва техноген омиллар билан ифлосланишини олдини олиш яъни атмосфера таркибидаги заҳарли газларни нейтралаштириш, гидросфера ва литосферадаги кимёвий бирикмаларни заарини камайтириш. Ўсимликлар туфайли атроф-мухитни тозалаш, уларни соғ ҳолатга келтириш қонуниятларидан жамиятда фойдаланиш. Табиат ва атроф-мухитни соғ ҳолатга келтиришда ўсимликларнинг универсал фильтр каби ноёб функцияларидан кенг равишда фойдаланиш.

Юқоридаги мақсадга эришиш учун қўйидаги вазифаларни бажариш талаб этилади:

- Саноат ботаникаси фанининг муҳим вазифаларидан бири оптималь антропоген ландшафтларни ташкил қилишнинг илмий асосларини ишлаб чикиш.
- Техногеи омилларга бардош берадиган ўсимликлар турларини аниқлаш ҳамда уларни интродукция ва акклиматизация қилиш.
- Техноген муҳитлар хисобланган Ангрен қўмир конн, Олмалиқ ва Навоий-Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатлари, Мурунтов рангли металлар қазиб олинган ерларни рекультивация қилиш.
- Чирчик кимё, Навоий азот, Фаргона азот бирлашмалари чиқиндиларини нейтраллаштирадиган бута ва дараҳтлар турлари ва навларини топиш.
- Охирги вақтларда шаҳарларимиз майдонларидаги, боғларидаги айрим дараҳтлар кесиб юборилмоқда (чинор) ва уларни ўрнига нинабаргли ўсимликлар экилмоқда. Бу нарсага эътибор берилиши ва аниқ тадқиқотлар

ўтказилиши зарур. Уларнинг қайсн бирлари кўпроқ фойдали эканлигнни аниқлаш зарур.

- Техноген ва индустрал тарақкий этган худудларда антропоген омилларни атроф-мухитга ва биотага таъсирини ўрганиш.

- Кишиларимизнинг рухиятини кўтарадиган, уларга ижод ва шижаат бағишлайдиган манзарали ўсимликларни топиш, қайсики кишиларимиз саломатликларини тиклашга, уларнн умрларини узайтиришга хизмат қилсин.

Юқоридагилардан келиб чиккан холда "Саноат ботаникаси" фанининг ҳозирги замондаги аҳамияти катта. У атроф-мухит ва табиатнинг муҳофаза қилишнинг назарий асосларидан саналади.

Ўз навбатида "Саноат ботаникаси" фанининг ривожланиши ботаника. география, тупроқшунослик. гигиена, экология, химия, гидробиология каби фанларга боғлиқ.

### **Мавзу: Антропоген омилларни флора ва ўсимликлар қопламига таъсири.**

Антропоген омил деб инсоннинг ҳаёт ва меҳнат фаолияти туфайли содир бўладиган ва атроф-мухитга кўрсатадиган салбий таъсирига айтилади. Антропоген омиллар жамият фаолиятининг бир қўриниши, шакли бўлиб, у табиатни, тирик мавжудотлар ҳаёт кечирадиган муҳитни ўзгаришига олиб келади, бевосита улардагн ҳаёт тарзига таъсир қиласи.

Инсон ўз эволюцияси жараёнида даставвал ов билан шуғулланиб. ҳайвонларни ўлдирган, ўсимлик мевалари ва илдизларини териш билан шуғулланган. Кейинчалик эса қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган, саноат ва транспорт воситаларидан кенг равишда фойдаланиб, планетамиз табиатини ўзгартириб юборди. Ҳозирги вақтга келиб инсон фаолиятининг бундай салбий таъсири яъни антропоген омиллар кўнгилсиз ҳолларга олиб келмоқда, уларнинг таъсир доираси мислсиз равишда ортиб бормоқда.

Кўпчилик ҳолатларда инсон атроф-мухитга абиотик омилларнинг ўзгартирилиши ҳамда биотик боғланишлар орқали таъсир этади. Шунга карамасдан В.И.Вернадскийнинг таъбири билан айтганда инсон омили энг кучли бўлиб, ер юзини ҳолатини ва қўринишини ўзгартириб юборадиган кувватга эга.

Ҳозирги вақтда инсон фаолияти атроф-мухитга шунчалик даражада салбий таъсир кўрсатадики, бу таъсирот ҳатто инсонни ўзини келгуси ривожига ҳам ҳавф туғдирмокда. Бундай таъсирот ўзгарувчанлик ҳозирги босқичда, хайрият ҳам тузатиб бўлмайдиган даражага етгани йўқ. Шунинг учун ҳам экологиянинг асосий вазифаларидан бири биосферани барқарорлигини бошқарадиган жараёнларни пухта ўрганиб, ундан самарали фойдаланишнинг илмий фундаментини яратишдир.

Биосферанинг функционал ҳолати ҳозирги қунда анча ойдинлашиб бормокда. Бироқ унинг айрим томонлари, қонуниятларини батафсил ўрганиш учун бутун дунё экологларини хамкорликка чақириш керак, уларнинг фаолиятларини бирлаштириш талаб этилади.

Инсоннинг ўсимликларга таъсир этиш шакллари. Инсон ер юзида пайдо бўлибдики. унинг ҳаёти ўсимликлар билан узвий боғлиқ ва у ўсимликларга у ёки бу даражада таъсир кўрсатиб келади.

А.П.Шенников (1959) инсон томонидан ўсимликларга кўрсатиладиган таъсири икки хилга бўлади: бевосита (ўсимликларни териш, ўриш, кесиш, қўйдириш) ва билвосита (ерга ишлов бериш, сугориш, ҳаво, сув тупроқни ифлослантириш ва бошқалар). Бундай чегаралаш, албатта шартли равища, аслида олганда антропоген омилларнинг ўсимликларга бўлган таъсири кўп ва хилма-хил.

Саноат ботаникаси (1980) китобининг авторлари антропоген омилларнинг таъсир этиш шаклларини қўйидагича белгилашади (Расм 1).



Расм I. Ҳар хил категорияли антропоген омиларнинг таъсир доираси.

Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистонда антропоген омилларнинг ўсимликлар қоплами ва флорага таъсири хилма-хил: қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирилиши, маданий агроценозларни ҳосил қилиш, дарахт ва буталарни кесиб юборилиши, ўсимликларни куйдириб юбориш, мол бокиш, пичан ўриш, ўсимликларни экиб ўстириш, суғориш, чўлланиш ва эрозияга қарши олиб бориладиган тадбирлар, фойдалн турларни интродукция қилиш, бошқа ўсимликларни флорага келиб қўшилиши, шифобахш ва озуқабоп ўсимликларни териб олиш, рекреация, йўл, кўприклар қуриш, трубопр водлар ўтказиш, хўжалик ва саноат корхоналарини қуриш, газ ва электр узаткичларни ўтказиш, антропоген ва ридераль муҳитларни содир этилиши, тупрок, сув ва атмосферани саноат чиқиндилари билан ифлосланиши ва бошқалар.

Антропоген таъсиротлар бевосита, билвосита, онгли ва онгсиз равища бўлиши мумкин.

Бевосита антропоген омилларга фойдали ўсимликларни териб олиш, кесиб ташлаш, куйдириб юбориш, ўтлоқзорларда меъёридан ортиқ даражада мол боқилиши ва бошқалар киради.

Билвосита таъсиротларга: тупроқнинг гидрологик ҳолатини ўзгариши, сув омборлари, шахталари қурилиши, транспорт ва бошқа воситалар туфайли бошқа турларни келиб қолиши.

Онгли таъсирот ўсимликларни тур таркибини, уларни ҳосилдорлигини оширишга қаратилади. Селекционерлар пахта, бугдой, шолн каби маданий ўсимликларни янги навлари тўғрисида тинмай меҳнат қилмоқдалар. Шунингдек ўсимликларни касалликларига қарши кураш чоралари кўрилмоқда, бегона ўтларни заарли оқибатларини тутатишга қаратилган ишлар олиб борилмоқда.

Экологик мухитни ҳар хил томонга ўзгартирилиши, ўз навбатида, ўсимликларнинг тур таркиби. уларни структураларини ҳам ўзгартириб юборади.

Юқорида келтирилган монографияда ҳар хил антропоген таъсиротлар. қайсики улар ўсимликлар қопламини у ёки бу ҳолда ўзгартириб юборадиганлари 5 хилга бўлинади:

1. Табиий ўтлоқзорларни ўзгартириб юборадиган;
2. Табиий ўсимликлар қопламини агроценозларга айлантириб юборадиган;
3. Янги ўсимликлар жамоаларини келтириб чиқарадиган;
4. Ўсимликлар қопламини бутунлай йўқ бўлишига олиб келадиган;
5. Ўсимликлар қопламини тикланишига ва яхшиланишига олиб келадиган.

Кўйида антропоген омилларнинг ўсимликларга бўлган таъсирини классификацияси келтирилган:

№	Таъсири	Ўзгариш
1.	Антропоген омилларнинг таъсири туфайли табиий ўсимлик қопламлари сунъий (аралашма) холатга келади.	Ўсимликларни кесилиши, чорва молларини боқилиши, ёнгин, шифобахш ва озуқабоп ўсимликларни териб олиниши, тупрок эрозияси.
2.	Антропоген омилларнинг таъсири туфайли табиий қопламлар маданий ценозларга айланади.	Ер хайдаш, ўрмон ҳосил қилиш, боғлар ташкил қилиш, рекультивация, интродукция, табиий яйловларни тубдан

		яхшилаш тадбирлари.
3..	Антропоген омилларнинг таъсири туфайли янги ўсимликлар жамоаларига шаклланади.	Саноат ва махаллий чиқиндиларни түплаш, саноат корхоналари учун майдонлар ташкил қилиш, антропоген рельеф содир этиш.
4.	Антропоген омилларнинг таъсири туфайли ўсимлик жамоалаоириннабатамом йўқ қилиниши.	Курилиш ишларини олиб борилиши сув омбор, каналлар, йўллар қуриш, очик холатда конларни қазиб олиш.
5.5	Антропоген омиллар туфайли ўсимлик жамоаларини яхшилашини ва тикланиши.	Қўриқхоналар, буюртмахоналар, табиат ёдгорликлари, овчилик ташкилотларини ташкил қилиш. дам олиш масканларини тартибга келтириш.

Юқорида баён қилинган антропоген омиллар 5 та гурухга бўлинган. Ҳар бир гурух томонидан юзага келтирилган ўзгаришларни ҳар хил шакллардаги антропоген омиллар содир зтади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг етук геоботаникларидан бири У.А.Алланазарованинг илмий раҳбарлигига Т.В.Овчинникова (1996) табиий омиллар, антропоген чўлланиш, иқлимининг қурук келиши (аридизация) кабилар туфайли Қашқадарё ҳавзасининг текислик ва тоғолдн худудларида ландшафтлар компонентларини ўзгаришини ўсимликлар қопламини ўзгаришини тадқиқ қиласди: бу тадқиқотлар натижасида ўсимликлар қоплами айнан муҳитнинг биоиндикатори эканлигини яққол намоён этади.

Экологик ҳолатни мураккаблашуви, метеорологик кўрсаткичларини ўзгаришига нима сабаб бўлмоқда. Ҳаммамизга маълум бўлган Орол денгизининг қуриб бориши туфайли ёзги ва қишки ҳарорат амплитудаси кўтарилиган. Ёзги ҳаво ҳарорат  $1.5-2.5^{\circ}$  С га кўтарилиган ҳолатда, қишки температура  $1-2^{\circ}$  С га пасайган. Бугун Орол денгизи хавзасидаги антропоген таъсиrotлар туфайли шу нарса маълум бўлдики. чўл ва тоғ зоналаридағи кўп тарқалган ўсимликлар типларининг майдонлари кескин ўзгариб кетди. Мисол учун табиий ўсимликлар қоплами ўртача 2 мартаға қисқарди, адирларда 1,4 ва яйлов зонада 0,7 мартаға камайган.

Энг муҳими ўсимлик қопламларининг тур таркиби, ҳамда уларнинг маҳсулдорлиги камайиб кетган. Мазкур худудлардаги кейреук ва бир йиллик шўрадошларга тегишли ўтлоқзорлар типининг ҳосилдорлиги икки маротабагача камайган. Бегона ўт хисобланган исириқлар ва юлғунлар жамоаларинн ҳосилдорлиги эса 0.7-1 мартаға ошган.

Картографик маълумотларни тахлили шуни кўрсатадики, антропоген жараёнлар туфайли, қарийб барча ўсимликлар типларининг майдонлари қисқариб кетган. -1990 йиллар мобайнида галофит ўсимликлар 7.02% дан 1.48% га камайган, гипсофитлар эса 18.54% дан 11.41% га, тўқайзорлар 3.77% дан 0.41% га қисқарган. Умуман олганда Қашқадарё хавзасидаги табиий ўсимликлар қоплами 74% дан 52% га камайиб кетган. Бунда албатта суғориладиган майдонлар 14 % дан 30% га ортган.

Биз 1960 йил 1990 йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг бир қанча вилоятлари ва туманлари шароитида асал-ширали ўсимликларни тадқиқ қилганимиз. Олиб борилган кўп йиллик кузатиш ва тажриба ишларимиздан маълум бўлишича кўпчилик ҳолатларда антропоген омилларининг таъсири натижасида табиий ҳолатдаги ўсимликлар жамоалари орасидаги нектар ажратувчи турлар сонини камайиб, уларни ўрнига begona ўсимликлар кириб келганини аниқлаганмиз. Гарбий Тяньшан тоғ системасининг Угом тоғида антропоген омилларининг таъсири остида асал-ширали ўсимликлардаги бўлган ўзгаришлар куйида акс эттирилган.

Жадвал 1.

Турлар	100 м" даги ўсимликлар сони (дона)		Турлар миқдорини камайиши		Турлар миқдорнни кўпайнб бориши	
	1963	1983	Абс.	%		
Ziziphora pedicellata	197	134	63	32		
Centaurea squarrosa	59	68			9	15
Astragalus schrenckianus	51	39	12	23		
Glycyrrhiza glabra	6	9			3	50
Medicago tianschanica	1	0	1	100		
Chichorium intybus	2	0	2	100		

Жадвал материалларидан маълум бўлишича антропоген таъсирот туфайли зизифоранинг миқдори 197 дан 134 га камайган. Ярим бегона ўт сифатидаги дехқонсупургини сони эса 59 тадан 68 тага кўпайган. Асал-ширали хисобланган йўнғичқа ва сачратқи ўсимликлари бир икки тупдан иборат бўлган бўлса, кейинчалик (20 йилдан кейин) улар йўқ бўлиб кетишган.

Асал - ширали ўсимликларга уларни пичан сифатида ўриб олиниши, уларнн чорва молларн учун ўтлоқзор сифатида фойдаланилиши салбий таъсир кўрсатар экан.

Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, 1960 йилларда Бўстонлиқ туманининг Кайнарсой деган сой ҳавзасида (Пском дарёсининг ўнг ирмоғи)

ЎзРеси ФА ботаника ишлаб чиқариш марказининг тоғ-геоботаник стационари атрофида қайд қилинган асал-ширали ўсимликларнинг тур таркиби 30 йилдан сўнг яна инвентаризация қилинганида қуидаги турларнинг табиий қопламидан чиқиб қолганлиги маълум бўлган: *Korolkowia severzorii*, *Ungernia severzorii*, *Allochrusa gypsophilloides*, *Dianthus ugamicus*, *Thalictrum minus*, *Crambe orientalis*, *Pseudosedum longidentatum*, *Astragalus*

*globiceps*, *Meristotropis triphylla*, *Thifolium fraiferium*, *Schrencia ugamica*, *Convolvulus psculocantabrica*, *Eremostachus speciosa*.

Чорва моллари томонидан пайхон қилинган майдонларда кўпроқ бошоқдошлар оиласининг вакилларини миқдорини кўпайганини кўрамиз: *Avena fatua*, *Bromus inermus*, *B.tectorum*, *Cynodon dactylon*, *Pheleum paniculatum*, *Thaeniaterum scutatum* ва бошкалар. Шу вакт ичида айрим буталарнинг хам жанубий экспозицияларда қопламидан чикиб колганини кузатдик: *Ephedra equisetina*, *Caragana turkestanica*, *Calophara tianschanica*, *Atrapaxis pyriliolia*, *Amygdalus petunnikovii*, *Cerasus tianschanica*.

### **Иккинчи тажриба майдончамиздаги ўзгаришлар куйидагича**

	1963 йилда 100 м <sup>3</sup> даги ўсимлик сони (дона)	1983 йилги миқдор (дона)
<i>Prangos pabularis</i>	23	16
<i>Ziziphora pedicellata</i>	36	25
<i>Cousinia microcarpa</i>	3	0
<i>Origanum tyttanthum</i>	135	96
<i>Melilotus officinalis</i>	1	0
<i>Anchusa italicica</i>	1	0
<i>Echinops karatavica</i>	1	0
<i>Handelia trichophylla</i>	1	0

Булардан кўриниб турибдики, мазкур майдонда прангоснинг тупи 23 тадан 16 тага камайган, зизифора ва тоғрайхонларники эса 36-25 ва 135-96 тагача. 20 йил мобайнида ушбу майдончалардаги қашқарбеда билан анхузга ўсимлиги бутунлай қопламдан чиқиб кетган.

Зарафшон тоғининг жанубий-гарбий қисмида ўтлоқзорларнинг антропоген таъсиротлар натижасида ўзгариб бораётганлиги У.Э.Хўжаназаровнинг (2000) тадқиқотларидан маълум. Ўтлоқзорларнинг доимий равишда антропоген тазийклар остида бўлишилиги туфайли уларнинг

майдони охирги 10 йил мобайнида 2 марта қисқарган. Бунинг асосий сабабларидан бири чорва молларини тартибсиз равища боқилишидир, бундан ташқари янги йўлларни қурилиши. Дам олиш масканларини ташкил этилиши, хамда Чимқўргон ва Пачкамар сув омборларини қурилиши маълум даражада табиий ўтлокзорларни қисқариб кетишига сабаб бўлган. Таъкидлаш жоизки, ушбу худудларда бута ва дараҳтларни кесилиши, пичан тайёрлаш меъёрдан ортиқча шифобахш ва озукабоп ўсимликларни тайёрланиши каби антропоген таъсиротлар туфайли табиий ўсимликлар қопламининг умумий холатлари ёмонлашган, уларнинг хосилдорлиги камайиб кетган.

Эътиборли томони шундаки, Зарафшон тогининг жанубий-ғарбий томонларида тарқалган чакалакзорларнинг типлари (дағал ўтлар, эфемерлар, қўнгирбошли рангли, буғдойиқли хар хил ўтли ўтлоқзорлар типларининг хосилдорлиги 26,6 дан 14.7% гача камайган, уларнинг 35-40% майдонлари таназзулга (пайхон қилинган) учраган.

Ўзбекистонда антропоген омилларнинг салбий таъсири, айниқса кенг баргли ёнғок ва бошқа мевали дараҳтлардан ташкил топган ўрмонзорларга, хамда арчазорларга кўпроқ сезилган. Натижада уларни умумий майдон камайган. Уларнинг тикланиш жараёнлари жуда заиф холатда келмоқда.

Бу борада ёнгоқзорларга алоҳида ургу бериш ўринли бўлур эди. Ёнгоқзорлардан иборат ўрмонзорларимиз унча катта майдонларни эгалламаса хам уларни ахамияти жиҳатида муҳим роль ўйнайди. Ёнгоқзорлар қадимда кенг тарқалган реликт ўрмонлар ҳисобланади. Улар унча катта бўлмаган майдонларда Ғарбий Тяньшаннинг Бўстонлик, Паркент туманлари худудларида, хамда Ғарбий Ҳисор тогининг машҳур Сангардак. Тўпаланг ва Обизаранг дарёлари ҳавзаларида тарқалган. Охирги вақтларда ёнғок дараҳтларини ўтин сифатида ишлатилиши боис улар кесиб юборилган.

Шунингдек арчазорларимизнииг ҳолати хам ёмонлашнб, уларнинг майдонлари кескин қисқариб бормоқда. Демак, Республикализнинг тоғли худудларида тарқалган ўрмонзорлар антропоген таъсиротлар туфайли

уларнинг майдонлари кескин қисқариб экологик ҳолатлари ёмонлашиб бормоқда.

Антропоген омилларнинг ўсимликлар қопламига бўлган таъсири, айниқса, зиёратгоҳ, сайлгоҳ, Арслонбоб, Бўстонлик тумани худудларида яққол сезилмоқда. Табиат майдонлари этак-так ширач, гули салим, лола турлари, чучмома, маврак каби чиройли гуллайдиган ўсимликларимизни териб олишади ва бироз вақт ўтгандан кейин уларни ташлаб юборишади.

Оҳирги вақтларда дориларнинг тақчиллиги туфайли шифобахш ўсимликларга бўлган хуруж бошланди. Уйламай нетмай улар табиатдан жуда кўплаб териб олинди. Уларнинг тикланиш қонуниятларига амал қилинмай, самараасиз равишида тўпланишлиги оқибатида кўпчилик шифобахш ўсимликларимизнинг табиий заҳираларини кескин камайишига олиб келинди. Табиатдан аёвсиз равишида омонқора, бозулбанг, ўлмас ўт, чой ўти, арслонқуйрук, бех, пиёзи анзур, зира, парпи каби ноёб ўсимликларимизга путур етказиляи, оқибат натижада улар Узбекистон Республикаси "Қизил китобига" киритилди.

Шохимардон, Ёрдон ва Сўх қишлоқлари атрофларида тарқалган кўплаб доривор ўсимликларимизнинг табиий заҳиралари кескин камайиб кетди. Ҳатто, биз уларни ёзги дала амалиётларида талабаларга хам топиб кўрсатиш имкониятидан маҳрум бўлдик.

Булардан ташқари Республикализнинг барча катта-катта шахарларида доривор ўсимликлар билан баралла савдо-сотик қилинмоқда. Жуда кўплаб "чиллаки" табиблар пайдо бўлганки билмай-петмай ўсимликлардан дори тайёрлаб сотиши билан шуғулланишмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Сурхондарё вилоятининг тоғли худудларида камёб ва ноёб хисобланган ўсимликлар қоплами нихоятда чекланган майдонлларда сақланиб қолинган. Улар қуидагилар: ёввойи хурмо. ёввойи анор, анжир, чилонжийда, рус корнерияси, островский ва бошқалар. Улар қимматли генофоид тарзида сақланиб қолмоғи зарур. Ушбу ва бошқа кенг баргли дарахтлардан ташкил топган ўсимликлар типи

У.А.Алланазарова, А.Я.Бутков, Ф.Ҳамидовлар томонидан ёзилган "Ўзбекистоннинг ўсимликлар қоплами " ва ундан самарали фойдаланиш номли кўп жилдли монографиянинг 4 жилдида ёритилган.

Юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқадики, хозирги вақтда флора ва ўсимликлар қоплами антропоген омилларнинг таъсирига учраган. Шунинг учун хам уларнинг умумий холатлари ёмонлашиб, хосилдорликлари камайиб бормоқда.

А.Г.Воронов (1973) инсонни ўсимликларга бўлган таъсири шаклларини қўйидагича ифодалайди (жадвал 2).

#### Жадвал 2.

Инсоннинг ўсимликларга бўладиган таъсири шакллари

(А.Г.Воронов бўйича, 1973 йил)

Усимлик ареалларини ўзгариши	Усимликлар қопламига инсоннинг бевосита таъсири	Усимликларни ўстиришучун янги мухит яратиш	Маданий фитоценозлар содир этиш	Усимлик қопламини муҳофаза қилиш.
Янги ўсимликларни қириб келиши, Ареалларни қсқариши, ўсимликларни йўқ қилиб юбориш	Ерларни хайдаш; Ерларни қуритиш;	Ўсимликлар учун рудерал мухит содир этиш (ахлат ташланадиган жойлар) саноат чиқиндилари ва бошқа отвалларни содир этиш	Маданий фитоценозларни ташкил қилиш	Ўсимлик қопламларини муҳофаза қилиш.

Жадвалдан кўриниб турганидек ўсимликларга ва ўсимликлар қопламларига инсонни таъсири хилма-хил кўринишларида содир бўлар экан.

Усимликлар дунёсига бўлган салбий таъсиротлар тўгрисида гап юритилганда, албатта табиий офат жараёнларига хам қискача тўхтаб ўтиш зарур. Бундай жараёнлардан Узбекистон ва Марказий Осиёда тез-тез учраб турадиган тоғ ёнбағирларини сурилиб-тушиб кетишини эслатиб ўтиш керак. Бизнинг тоғолди ва тоғли худудларимизда кўп ёғингарчилик бўлган йиллари бундай сурилмалар кўплаб кузатилди. Мисол учун 1969 йили қиш жуда серёғин бўлган. Қор кўп ёқкан, қорнинг эриши туфайли баҳор пайтларида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида кўплаб сурилмалар кузатилган. Мисол учун Чирчик дарёси хавзасида Ҳожакент, Каранкул, Сижжак қишлоқлари атрофларида катта-катта майдонларида тоғ ёнбағирларини сурилмаларини кузатганмиз. *Мисол учун ўша йили Пском* дарёсининг ўнг ирмоғи бўлган Қайнарсойда шимолий ёнбағирлар сурилиб, жуда катта-катта ёнғоқ дарахларини илдизлари билан ағдариб юборган. Бу сурилма Бурчмулла ўрмон хўжалигини идоралари, катта хажмдаги боғларни. хўжалик хоналарини босиб қолган. Бу сурилма катта бир ёнғоқ ассоциациясини бутунлай йўқ қилиб юборган.

Ўсимлик қопламлари, айникса ўрмонларни ёнғинлар йўқ қилиб. юбориши кўп маълумотларда баён қилинган.

Хуллас антропоген омиллар биосферанинг барча компонентлари каби ўсимликлар дунёсига салбий таъсир қиласи. Бундай келиб чиқадиган муаммо шуки, иложи борича антропоген омилларни камайишига эришиш керак. Иккинчи муҳим муаммо антропоген омилларга бардош берадиган ўсимликлар турлари ва навларини чиқариш керак.

Биз ушбу бобда фақатгина антропоген омилларнинг флора ва ўсимликлар қопламига бўлган салбий таъсири тўғрисидагина тўхтадик. Аслини олганда, антропоген омилларнинг атроф-мухитга бўлган салбий таъсири анча кенг.

Антропоген омиллар туфайли йилига атмосферага миллионлаб тонна захарли газлар чиқарилади (*аэрозол, чанг, тутун, микроблар, ўсимликлар чанглари*). газсимон моддалар ва сув буғлари, водородлар, сульфатлар

олтингугурт гази, водород сульфид, азот оксиdi, нитратлар. Қўрғошин, темир, фтор, марганец, радиоактив моддалар, пестицидлар.

Атмосферанинг ифлосланиш манбалари асосан ёқилғиларнинг ёниши, завод, фабрика ва бошқа саноат корхоналарининг чиқиндилари транспорт воситалари бўлиб хизмат қилади. Антропоген омиллар туфайли йилига атмосферага 20 млрд тонна атрофида карбонат ангидрид ( $\text{CO}_2$ ) чиқарилади.

Сўнгги йилларда атмосфера ҳавосининг ифлосланишида, айниқса транспорт воситаларининг хиссаси катта. Бу ҳол катта-катта шаҳарларимизда яққол сезилмоқда. Автомобиль моторидан ажралиб чиқаётган газлар таркибида 200 дан ортиқ турли моддалар учрайди. Бироқ унинг асосий қисмини ис гази ( $\text{CO}$ ) ташкил қиладн. Ундан ташқари кўп миқдорда қўрғошин ва рух моддалари хам чиқарилади. Шуни таъкидлаш жоизки, жаҳоннинг барча автомобиллари дунё ахолиси нафас олишига кетадиган кислородни сарфлайди.

Электр станциялари, иссиқлик электр марказлари (теплоэлектрцентраллар) бошқа иситиш қурилмалари атмосферага кўплаб тутун чикаради. Дунёдаги энг катта иссиқлик электр станцияларида ойига таркибида кўплаб ҳар хил элементлари бўлган 40-50 минг тонналаб кўмир ёқилади.

Уй-жой иситиш системалари ялпи ёқилғининг 25% нстеъмол қилгани ҳолда, атмосферага 30% зарарли моддалар ажратиб чиқаради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдикি Ўзбекистонда айниқса Фаргона водийсида антропоген омилларнинг атроф-мухитга бўлган таъсири анча юқори даражада. Бунинг устига-устак Фаргона водийсида демографик омиллар ҳам экологик вазиятни мураккаблашувига таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонда I кв км майдонга 51.4 одам тўғри келса, бу рақам Қозоғистонда 6.1 ва Туркманистонда 9.4; Қирғизистонда 22,1 кишини ташкил қилади яна киши бошига сугориладиган ерлар майдонини бизда энг кам миқдорини ташкил қилади: Жон бошига сугориладиган майдонларни хисобланганда Ўзбекистонда 0,17 га, Қирғизистонда 0,26 га. Украинада 0,59 га, Россияда

0,67 ва Қозоғистонда 1,54 га тўғри келади. Демак, Ўзбекистонда аҳоли энг зич жойлашган ҳолда, суғориладиган майдонларимиз жон бошига энг кам микдорни ташкил қиласди. Бундай омилларнинг мавжудлиги бизда экологик муаммоларнинг мураккаблашувига олиб келади. Бу масаланинг бир томони, уни иккинчи томони шуки, антропоген омилларни атрофлича ўрганган ҳолда уларни атроф-муҳитга бўлган салбий таъсирини камайтириш ва уларни бартараф этиш йўлларини қидиришдир.

### **Мавзу: Атмосферанинг ифлосланишини экосистемаларга таъсири**

Охирги вақтларга келиб, Ўзбекистонда аҳолининг тез суръатлар билан ўсиб бориши, қишлоқ хўжалигининг янада ривожлантириш ва янги ерларни ўзлаштиришини тақоза қилди. Республикаизда қарийиб 26 млн гектар чўл ва адир зонаси яйловзорлари мавжуд бўлиб, улардан 10-11 млн гектар янги ерларни ўзлаштириш имкониятлари бор эди. Булар Мирзачўл, Марказий Фарғона, Қарши, Сурхон-Шеробод чўллари эди. Шу мақсадларда ушбу зоналардаги жуда катта худудлардаги табиий ўтлоқзорлар (эфемер-эфемероид, псаммофит, гипсофит, галофит, тўқай, ксерофит бута ва дарахтлар) тарқалган майдонлар ўзлаштирилиб, уларнинг ўрнига маданий фитоценозлар (агроценозлар ёки агрофитоценозлар) ташкил қилинди. Бундай сунъий, яъни инсон томонидан ўзлаштирилган - антропоген майдонларга биринчи ўринда қишлоқ хўжалиги экинлари (пахтачилик, боғдорчилик, резаворчилик ва бошқалар) экила бошланди.

Фарғона водийсининг жуда катта майдонлардаги адир худудлари жойлашган ерлари ўзлаштирилиб, бу майдонлар маданий экинзорларга айлантирилди. Бундай жойлардан Андижон вилоятидаги ҳозир машхур бўлиб кетган Боғишамол даҳаси, Ҳонобод, Ширмонбулоқ, Асака адирлари, Чуст, Поп, Косонсой, Чорток, Чадаксой ва Фарғона вилоятларидағи Арсиф, Қувасой, Қува. Файзобод адирлари тўлиқ ўзлаштирилиб халқ хўжалиги учун зарур экинзорларга айлантирилди. Юқоридаги барча жойлардаги табиий

ўсимликлар қопламлари бутунлай ҳайдаб ташланди. Бундай майдонларда кам ҳосилли эфемер-эфемероид ўсимликлар, шувоклар ва буғдоиқлар мавқжут эди. Демак, бутун Ўзбекистон бўйича ҳисобга олинганда, 1-2 млн гектар майдонлардаги сийрак тарқалган табиий ўсимликлар қоплами ўтлоқзорлар, пичанзорлар антропоген ўзгаришларга юз тутди. Бундай ўзгаришларнинг бошланганига 30-40 йиллар бўлди. Бу ерларда ҳозирги кунда пайдо этилган дараҳт ва буталар ўз навбатида ривожланиб, табиий тус олди, улар хатто ўрмонзорлар холатига яқин бўлиб қолди. Бу борадаги бизлар томонимизда Андижоннинг машхур Боғишамол даҳаси атрофида ўтказилган геоботаник кузатишлар диққатга сазовор. Шу нарса маълум бўлдики бу ерлардаги дараҳтзорлар табиий ўрмонлар даражасига етган. Мисол учун Боғишамол ўрмончилик совхози идораси жонлашган номаълум сойнинг юқорироқ қисмида (денгиз сатхидан 800-900 м баландликларда) ёнғоқзор, олмазор ва дўланазорлардан ташкил топган ўрмонзорлар пайдо бўлиб, уларни тузилишида, ўсимликларнинг табиий қопламлардагидек, яруслар бўйича жойлашганини қайд этдик. Биринчи ярусда ёнғоқ (*Juglans regia*). иккинчи ярусда ёввойи ва наманган олмаси дараҳтлари (*Malus Sieversii*, *M. niedzwieckiana*), учинчи ярусда наъматак (*Rosa canina*, *R.kokonica*) ва тўртинчи ярусда ўтчил ўсимликлар (*Hordeum bulbosum*, *H.Leporinum*, *Bachypodium silvaticum*, *Arctium tomentosum*, *Bromus danthoniae*, *Cichorium intybus*). Бундай экинзор даставвал тез-тез сугорилиб турилган. Дараҳтлар ва бутазорларнинг таъсири остида фитоиқлим содир этилиб, тупроқ қатламлари ҳам нисбатан ўзгарган. Бу дараҳтзорларда ўзига хос қушлар, ҳашоратлар пайдо бўлиб, табиий биоценозлар, экосистемалар тусини олган.

Юқоридаги мисоллардан шуни кўриш мумкинки, ҳозирги вақтда инсон муҳим, қудратли омил сифатида таъсир этиб, табиий ўсимликлар қопламини, қолаверса, бутун ландшафтни-табиатни ўзгартирувчи кучга айланган. Бу антропоген омилларнинг фойдали томони эди, яъни кам ҳосилли, *сийрак* ўтчил ўсимликлардан иборат ерларни серхосил, қишилоқ хўжалик

экинлари эгаллади. Янги ўзлаштирилган майдонларда ҳалқимиз томонидан севиб истеъмол қилинадиган, ўрик, олма, шафтоли, бехи, анор, анжир, хурмо, гилос каби мевали боғларни барпо этилиши кишини қувонтиради.

Илгари тилга олинган ва бу сохада ягона ҳисобланган "Саноат ботаникаси" китобининг муаллифлари (1980) антропоген омилларнинг ўсимликларга таъсири борасида айрим атамаларни тилга олишади. Ташқи омиллар, яъни инсоннинг фаолияти туфайли ўсимликлар жамоаларига кўрсатиладиган таъсиротларни "антропоэкзогенез" деб аташган. Бундай ўзгаришларни асосида ўрмонларни кесиб юборилиши, пичан ўрилиши, чорва молларини боқилиши, ҳамда доривор ва манзарали ўсимликларнинг табиатдан териб олиниши ётади.

"Антропогенез" деб эса гидрологик режимни ўзгариши туфайли келиб чиқадиган антропоген ўзгаришларга айтилади. Буни асосида сув омборларини, шахталарни қурилиши ётади, қайсики унда ўрмонлар бутунлай йўқ қилиниб юборилади.

Албатта ўсимликлар қопламини йўқ бўлишига олиб келадиган антропоген омилларни янги ҳиллари хар хил ва мураккаб. Бунда иқлим, тупрок, сув режими, ландшафтларни ўзгариши, табиий оғатлар туфайли содир этиладиган ўзгаришлар. Бу жараёнлар кўпчилик ҳолатларда бир-бирлари билан узвий боғлиқ ва бир-бирларини тақозо этади.

Кўйида яна бир атамага эътиборни тортамиз. Бу "антропоген селектогенез" деб аталади ёки "антропоселектогенез". Бу атамани асосида инсон томонидан сунъий равишда маданий фитоценозларни содир этилиши ётади. Бу жараён кенг равишда олиб бориладиган интродукция ва акклиматизация ишларн билан боғлиқ. Бу сохада машхур ҳисобланган Ўзбекистонлик интродукция ва акклиматизация ишларига асос солган машхур академик Ф.Н.Русановнинг катор ишлари диққатга сазовор. Ф.Н.Русанов бўйича интродукция деб ўсимликларни бир жойдан иккинчи жойга, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатдага, бир вилоятдан иккинчи вилоятларга. яъни янги шароитларга кўчириб ўтқазилишига айтилади.

Интродукция қилинган турларни ўзлаштириш, маҳаллий шароитга мослаштириш учун алоҳида ёндашиш талаб қилинади, қайсики у ёкн бу турни табиатни ўзгартириш билан боғлиқ. Бунда анча мураккаб жараёнлар кечади. Иккинчи вазифа биринчисидан аннча қийин бўлади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ботаника боғи даставвал 14 йил мобайнида 2000 тур атрофида, фақатгина дарахт ва буталарни, ҳамда ундан ҳам кўпроқ ўтчил ўсимликларни интродукция қилган. Шунинг билан паралел равншда акклиматизация ишлари ҳам давом эттирилган. Бундай ишлар натижасида Республикаиз учун бир қанча фойдали ва манзарали ўсимликлар акклиматизация қилинди ва улар кенг равишда ўстириш учун тавсия қилинди: гибискус, юкка, жўка, дўлана, сирен, барбарис, ёнгоқлар, дуб, каштан, нинабарглилар, тотумлар, калифорния тераги, заранглар, гледичиялар, атиргуллар, ширачлар, лолалар ва бошқалар.

Юқоридаги хушманзара ва чиройли ўсимликлар Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва бошқа шахарларимиз боғларида ўзининг муносиб жойларини эгалашди. Шахарларимиз хуснига хусн кўшилди. Бу ишда юқори малакали, ўз ишларининг билимдонлари етишиб чиқдилар (Ф.Н.Русанов, З.П.Бочанцева, А.А.Абдурахмонов, А.У.Ўсмонов, Р.М.Мурзова, Т.И.Славкинн, И.В.Белолипов, В.П.Печеннцин, Ф.Н.Русанов (младший), Ю.М.Мурдахаев, П.К.Озолин. Н.Штонда, Е.С.Бородин, З.Н.Филлимонова, А.Ш.Шарипов).

Олиб борилган муваффақиятли интродукция ва акклиматизация ишлари билан Тошкент ботаника боғи чет эл мамлакатларига танилди.

Антропоген флорогенез деган атама эса маданий фитоценозларга янги тур ва навларни киритилишини билдиради.

Охирги вақтларда Республикаиз бўйича жуда кўп даражада янги пахта, буғдой, шоли, арпа, маккажўхори, навлари ва сортлари яратилди. Булардан ташқари селекционерларимиз томонидан янги мевалар, семичка, гилос, шафтоли, олма, ўрик, бехи ва бошқаларни серхосил сортларини чиққардилар. Қишлоқ хўжалигида селекция ишларини янада ривожлантириш. серхосил

ўсимликларни яратиш ҳам инсон фаолияти билан узвий равишда боғлик. Ўсимликлар дунёсининг бойитиш уни хосилдорлигини оширишда ҳам инсон омили асосий куч бўлиб қолмоқда. Бу фойдали фаолиятни кенгайтириш жамиятни ривожланишига ижобий таъсир этади.

Атмосферанинг ифлосланиб бориши. "Атмосфера ҳавоси ҳеч қачон тоза бўлган эмас, лекин у ифлос ҳам бўлмаслиги керак" Майкл Трешон дейди. "Атмосферанинг ифлосланиши ва ўсимликларнинг ҳаёти" (1988) номли монографиянинг муаллифларидан бири. Атмосфера ҳавоси одатда аралаш газлар, парлар ва келиб чиқиши жихатидан ҳар хил микроскопик заррачаларнинг аралашмаси хисобланади. Чўл ва саҳроларда тупроқнинг нураши туфайли содир бўлган чанг; вулқонлардан отилиб чиқадиган, ўрмонларнинг ёнишидан содир бўладиган кул ва газлар, ёқимсиз хидлар таратувчи органик моддалар, гулларнинг чангги ва споралари қайсики, ўрмонлар ва ҳар хил ўсимликлар томонидан чиқариладиган нарсаларнинг барчасини биз, ҳаво деб атаймиз.

Ҳавони ташкил қилувчи ҳар қайси унинг таркибий қисми ҳам атроф-мухитни ифлосланишида иштирок этмаслиги мумкин.

Атмосфера таркибига кирувчи моддалар қайсики, улар ҳар қандай ўсимлик ва ҳайвонлар турига таъсир этса ҳам эволюция жараёнида улар бир-бирлари билан маълум даражадаги муносабатда бўлишади ва ривожланишади. Лекин охирги икки аср мобайнида антропоген омилларнинг таъсири туфайли атмосфера ҳавосининг таркиби, ҳам махаллий, ҳам умумбашарий миқиёсда ўзгарди. Шуни таъкидлаш жоизки, биз ҳозир ҳам атмосфера ҳавосининг ўзгаришига сабабчи бўлмоқдамиз. Биз йилига миллионлаб тонна тошкўмир ва бошқа ёқилғи моддаларини ёқмоқдамиз, миллионлаб тонналаб чўян, металларни эритмоқдамиз ва натижада ҳавога кўплаб чиқинди моддаларни чиқарилишига сабаб бўлмоқдамиз. Автомобилни ихтиро қилиниши оқибатида эса атмосферанинг ифлосланиш даражаси янада ортиб кетди ва бу тенденция сақланиб қолмоқда.

Амалий жихатдан атмосферага чиқарилаётган ҳар қандай чиқинди моддалар ўсимликларга салбий таъсир этади. Лекин уларнинг орасида энг мухимлари мавжуд: олtingугурт оксиди, қайсики у тошкўмирни ёниш жараёнида юзага келади. Маълум бўлишича олtingугурт оксиди ( $SO_2$ ) АҚШ томонидан йилига 19 млн тонна, Канада эса 14 млн тонна атмосферага чиқарилмоқда.

Атмосферанинг ифлосланиши ҳаммамизга боғлик, ундан ҳаммамиз нафас оламиз. Уларнинг ҳаммаси ўсимликларга таъсир этмоқда, уларнинг биоэкологик ҳолатларини ёмонлаштириб ҳосилдорлигини камайишига олиб келмоқда. Фторидлар, хлоридлар, аммиак, азот оксиди, пестицидлар, чанг, этиленлар ҳам ўсимликларга зарар етказади. Ўз навбатида ҳар бир ўсимлик захарли чиқиндиларга ўзига хос равишда реакция беради ва бу нарса бошқа нарсаларга ҳам боғлик.

Ҳавони ифлослантирувчи токсикантлар ўсимликларнинг барги ва танасига тушиб, барг лабчалари орқали хужайрага ўтади ва модда алмашинувини маълум даражада бузади. Улар ўсимликлар учун патоген модда хисобланади, яъни улар касаллик тарқатади.

Шу нарса эътиборга моликки, ҳозирги вақтга келиб, ҳам барча токсикантларнинг атроф-мухитга, айниқса ўсимликларга салбий таъсири тўлиқ ва атрофлича ўрганилмаган. Токсикантларнинг юқоридаги ўсимликларга бўлган салбий таъсиридан ташқари, уларнинг ризосфрасига илдиз системасига, тупроқ микрофаунаси га таъсири ҳам яхши ўрганилмаган десак бўлади. Бу борада шуни эслатиб ўтиш зарурки, айрим атмосфсранинг ифлослантирувчи моддалар бактерияларга ҳам таъсир этади, қайсики улар ўсимликларга фойда келтиради. Мисол ҳаводан азотни сингдириб (беда, йўнғичқа, соя, эспарџет) тупроқни бойитади.

Атмосферани ифлослантирувчи моддалар, айниқса олtingугурт ва азот бирикмалари атмосфера ҳавоси орқали юзлаб километр масофаларга тарқалади, улар ўз навбатида тупроқ ва сувни ҳам ифлослантирувда. Сув

екосистемаларининг ифлосланиши эса, одатда гидробионтлар популцияларига салбий таъсир этади.

Шу нарса хисоблаб чиқилганки, фақатгина Норвегия ва Швеция мамлакатлари бўйича сув экосистемаларига йилига 800 минг тонна атрофида олтингугурт оксиди тушар экан. Шундай қилиб, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши умумбашарий тус олган ва у муболағасиз социал муаммога айланган.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши бу умумжамиятнинг касаллиги хисобланади, қайсики у инсонларнинг фаолияти туфайли юзага келади, ҳамда бевосита унинг саломатлигига ва фаровонлигига салбий таъсир қиласи. У ўз навбатида умумжахон муаммоси бўлиб, унинг давлатлараро чегараси йўқ. Шунингдек бу касаллик урбанизация, индустрелизация ва саноат тараққиёти туфайли юзага келган. Бу касаллик айниқса юқори тараққий этган ва юқори иқтисодий кўрсаткичларга эга давлатлар ва мамлакатларни қамраб олган хисобланади. Фақатгина Америка Кўшма Штатлари бўйича барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жараёнида йилига млн тонналар чиқинди моддалари атроф-мухитга чиқарилади. Агарда ушбу мамлакатда атмосфера ҳавосини сифатини назорат қилинмаганда эди, ундан кўриладиган зарар 10- 50 млрд долларни ташкил қиласи бўлур эди. Шунга қарамасдан, ушбу мамлакат бўйича атмосфера ҳавосининг ифлосланишидан қишлоқ хўжалик экинларидан кўрилган зарар, йилига 150-500 млн долларни ташкил этмоқда. Агар ифлосланган атмосфера ҳавосининг барча экосистемаларга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг вакиллари кўрсатган зарарини хисоблаб чиқилса, у миллиардлаб долларни ташкил қиласи бўлур эди.

Шу нарсани хисобга олган ҳолда, айrim тараққий этган мамлакатлар атмосфера ҳавосини ифлосланиб боришини ўз назоратларига олдилар. Бундан ташқари атроф-мухитни муҳофаза қилишга айrim мамлакатлар етарли аҳамият бериб, унга етарли даражада ўз бюджетларидан маблағ ажратмоқдалар. Мисол учун АҚШ да табиатни муҳофаза қилишга

ажратилган маблағ ўз аҳамияти жиҳатидан 11 та умумий муаммолар ичидә 4 чи ўринда яъни соғлиқни сақлаш, ҳавфсизликка қарши кураш ва наркотик моддаларга қарши кураш. Шунингдек атмосфера ҳавосининг ўсимликларга салбий таъсири, ҳамда уни олдини олиш тадқиқотлари учун АҚШда йилига 5 млн доллар сарфланмоқда.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланишини, уни ўсимликларга ва бошқа биотага таъсирини 1950 йиллардан бошлаб ўрганила бошланди, десак ҳато бўлмайди. 1963 йилдан бошлаб АҚШ конгресс атмосфера ҳавоси сифатини назорат қилиш тўғрисида қарор қабул қиласди. Шу вақтлардан бошлаб атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш йўлга қўйилди.

Хулоса ўрнида шуни қайд қилмоқчимизки, атмосфера ҳавосининг ҳар хил кимёвий бирикмалар билан ифлосланиши атроф-мухит ва биотага салбий таъсир этади. Натижада жуда катта иқтисодий зарар етказади. Эндиғи вазифа эса имкониятимиз борича бу нарсага йўл қўймаслиқдик. Биз фақатгина ифлосланган атмосферанинг ўсимликларга бўлган салбий таъсириниги на таъкидладик, бу нарсага инсон ва бошқа тирик мавжудотларга бўлган умумий заррани хисобга олсак, муаммонининг ўта устиворлиги ва умумбашарийлиги ўз-ўзидан маълум бўлади. Демак. XXI асрда атмосфера ҳавосининг соғлигига эришиш зарурияти, кишилик жамиятининг асосий вазифаларидан бир бўлмоғи лозим.

### **Мавзу: Ифлосланган атмосфера ҳавосининг маданий ўсимликларга таъсири.**

Ховард Е. Хеггестад ва Джисс Х., Беннетларнинг таъкидлашларича. охириги вақтларда АҚШ да фитотоксинларнинг қишлоқ хўжалик экинларига бўлган салбий таъсири мутахассисларни ташвишлантироқда. Фитотоксикантлардан олtingугурт оксиди ҳамда фторли водороднинг ўсимликларга бўлган таъсири яхши ўрганилган (Thomas, 1935). Кейинги вақтларда эса озоннинг ( $O_3$ ) узумга (*Vitis vinifera*) ва тамакига (*Nicotina tabacum*), салбий таъсири ҳам аниқланган (Heggestag H.E., Middleton V.J.).

Яна шундай нарса аниқланганки,  $S_0_3$  билан  $S_0_2$  лар алоҳида-алоҳида ҳолида ўсимликларга салбий таъсир қилмайди, лекин улар бир-бирлари билан аралашган ҳолатда таъсири сезилади.

АҚШда ифлосланган атмосфера ҳавосининг қишлоқ хўжалигига салбий таъсири хисоблаб чиқилган, бу сумма 121 млн долларни ташкил қилган, ундан 10 йил кейин эса ушбу рақам 1,8 млрдни ташкил этган. Одатда озоннинг ернинг устки қисмидаги концентрацияси 0,02 ёки 0,03 % ни ташкил қилади, лекин ифлосланган атмосфера ҳавосида унинг реакцияси 10 марта атрофида ошиб кетади. Озоннинг энг юқори концентрацияси ёз вақтига тўғри келади. Унинг энг баланд концентрацияси куннинг ўрталарига, энг пасткиси эса кечасига тўғри келади. Албатта, озоннинг пайдо бўлиши ва унинг концентрацияси қуёшнинг активлигига, ҳавонинг қуруқ намлиги. ҳамда уни чиқараётган манбаларга боғлик. Атмосферадаги озон шамол орқали юзлаб километр масофаларга тарқалади. Кўпчилик ҳолатларда озоннинг концентрацияси автотранспортлардан чиқадиган газларга ҳам боғлиқ.

Олиб борилган тажрибалардан шу нарса маълум бўлдики, фотохимик окислитепларнинг таъсири туфайли апельсин (*Citrus aurantium*) ва лимонларнинг (*C. limonium*) ҳосилдорлиги 50% гача камайган. Бошқа тажрибаларда узумнинг бир навини ҳосилдорлиги 61% гача камайган. АҚШнинг Калифорния штатида ҳам юқоридаги фотохимик окислитепларнинг салбий таъсири туфайли паҳтанинг ҳосилдорлиги 5-29% га камайган. Йўнгичқа (*Medicago sativa*) ва помидорлар (*Lycopersicon esculentum*) устида олиб борилган тажрибаларда ҳам ҳосилдорлик 53% гача кам бўлган.

Америка Кўшма штатларининг айрим худудларида  $S_0_2$  нинг ўзини, яна уни  $SO_3$  билан аралашганини айрим қишлоқ хўжалик экинларига салбий таъсир этиши айниқланган.  $S_0_2$  нинг таъсирн остида ўсимликларнинг барглари қуриб қолади, бу ҳолат эса умумий ҳосилга таъсир этади. Олтингугурт 2-оксидининг таъсири остида соянинг (*Pinus taeda, P. virginiana*) баргларини қуриб қолиши кузатилган, бу эса ўз навбатида 50% гача ҳосилни

камайишига сабаб бўлган. Шу нарса аниқланганки, соя баргларининг 1 % нобуд бўлишлиги 8,8 кг/га ҳосилни камайишига олиб келган.

Ўсимликларга салбий таъсири жихатидан фторидлар хам олдинги ўринларда туради. АҚШда фторидлар тўғрисидаги маълумотлар иккинчи жаҳон урушидан кейин юзага келди. Чунки у вақтларда пўлат ва алюмин эритиш корхоналари ривожлана бошлади. Фторидалар фитотоксикантлар сифатида ўсимликларни халок бўлишига олиб келувчи омиллардан бири бўлиб хисобланади. Газсимон фторидларни ўсимликларнинг барглари абсорбент бўлиб хисобланади. Фторидлар тупроқда хам кўп бўлади, ўсимликларнинг илдизлари фторидларни тупроқдан олади, барглари эса хаводан, яна шу нарса аниқланганки, фторидлардан қорамоллар, қўй эчкиларга нисбатан кўпроқ зарап кўрар экан.

Фторидлар гладиолус хамда нина баргли дараҳтларнинг эстетик кўринишини бузар экан. Улар айниқса мевали дараҳтларга (*Prunus persica*, *Prunus armeniaca*) зарап етказар экан.

Шундай қилиб, олtingугурт 2-оксиди ( $SO_2$ ), озон ( $O_3$  ва фторводородлар ( $HF$ ) ифлосланган атмосфера хавоси қишлоқ хўжалик ўсимликларига салбий таъсир кўрсатиб, уларни ҳосилдорлигини камайишига олиб келар экан.

Атроф-мухитни ифлослантираётган элементлардан яна бири кўрғошинdir, қайсики у бу миқдорда тупроқда, тог зоналарида, очик сувларда бўлади ва атмосфера таркибида бўлади. Кўрғошин табиатда кенг тарқалган бўлиб, айрим экосистемаларда уни миқдори анча кўп бўлади. Кўрғошин қазиб олинаётган шахта атрофларида, уни қайта ишловчи корхоналарда, шахарларда уни миқдори юқори бўлиши мумкин. Шахарларда эса кўрғошин чиқадиган манба автомобиллардан чиқаётган газлар хисобланади. Кўрғошиннинг миқдори у билан ифлосланмаган тупроқларда 10 дан 20 мкг/га бўлади. Кўрғошиннинг қўшимча манбай бўлиб, аралаш ўрмонлар баргларнинг чиришидан пайдо бўлганлари бўлиши мумкин. Чунки ўсимликларнинг баргига тўпланган кўрғошин уларни чириши натижасида

яна тупроққа ўтади. Ўрмонларнинг тўкилган баргларидан пайдо бўлган тўшалмада қўрғошин микдори 9 кг/га бўлади.

Шундай маълумотлар аниқланганкн, ўрмонзорлар бўйича атмосферадан бир йил мобайнида 200гр/га қўрғошин тушар экан.

Кўрғошин ўрганиш цикли эман дарахтлари ўрмонларида яъни Теннеси штатида ўрганилган, қайсики иссиқлик электростанциясидан 14 км узоқликда жойлашиб, унда тошкўмир ёқилган. Бу жараёнда қўрғошинни ўрмон тупроқларига келиб тушиши 286 г/га ни ташкил қилган.

Германияда ель ва бук дарахтларидан ташкил топган ўрмонзорлар тупроқларидаги қўрғошинни таркиби ўрганилган. Шуниси эътиборлики. юқоридаги иккита ўсимликни остида (тупрокда) қўрғошинни таркиби алохіда-алохіда аниқланган. Қизиги шундаки, бук дарахтини остида йилига 365 гр/га, ель дарахтини остида эса анчагина юқори 756 г/га. Авт орлар яна шуни аниқлаганларки, ўрмонзорларни орасидаги очик жойлардаги тупроқларда хам қўрғошин ёғинлар билан бирга тупроққа келиб тушган - микдор эса 4052 г/га ни ташкил қилган.

Магистрал йўллар атрофидаги тупроқларда қўрғошинни микдори атрофидаги тупроқлардагига нисбатан ўрғошин микдори юқори, бунга сабаб машиналар моторидан чиққан газларда қўрғошин кўп бўлади. Ўртacha автомобиль йўлларини 1 км да 80 мг қўрғошиннинг борлиги аниқланган. Маълум бўлишича, автомобиль йўлларн яқинида тупроқларда қўрғошинни микдори, бошқа (яъни ифлосланмаган) жойларда нисбатан 30 марта юқори бўлган. ушбу йўллардан 5-10 км наридаги тупроқ намуналарида эса қўрғошинни микдори 2 дан 6 марта гача камайиб кетган. Бу нарса автомобиллар туфайли йўл атрофларига кўплаб ёқилган бензин туфайли қўрғошин моддаси тўпланишлигини кўрсатади.

Шуни назарда тутиш зарурки, тупроқларда қўрғошиндан ташқари яна бошқа элементлар хам ифлосланган атмосфера хавоси туфайли тўпланади. Бундай микроэлементлардан қуйидагиларни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин: кадмий, никель, таллий, рух. фтор, ванадий, цинк,

кобальт, молибден, вольфрам ва бошқалар қайсики, улар оз миқдорда ўсимликлар учун фойдали бўлиши мумкин.

Юқоридаги моддалар ва элементлардан ташқари АҚШнинг ўрмон экосистемаларига бошқа аэрозол бўлаклари (парчалари) тушиб туришлиги хам аниқланган. Маълум бўлишича, ўртача йиллик сульфатлардан олтингугурт гектар хисобига 10-20 кг ни ташкил қилас экан. Юқоридаги ҳавони ифлослантирувчи моддалардан яна ис гази ( $\text{CO}$ ) тўғрисида тўхтаб ўтишимиз керак. Ҳар қандай улеводородларни ёнишидан ис гази ҳавога чиқарилади. Ушбу газ айниқса, индустрисал тараққий этган ва урбанизация юқори бўлган мамлакатлар ва худудларда қўп бўлади. Бошқа моддалар каби ис гази хам ўсимликлар томонидан ассимиляция қилинади, жумладан соя ўсимлиги кечаси-ю кундузи уни кабул қилас экан.

Кўлланманинг илгариги бобларида ўсимликлар томонидан оғир металларни ўзлаштириб олинишлиги тўғрисида алоҳида тўхталганмиз. Ундан ташқари биз эътиборга олаётган машхур монографияда баён (Загрязнение воздуха и жизнь растений. 1988) қилинган бир маълумот билан талабаларимизнн хабардор қилмоқчимиз. Гап шундаки, юқоридаги манбада ёзилишича автомобиль йўллари атрофларнадаги экосистемаларда ўсуви ўсимликларнинг таркибида қўргошинни миқдори, оддий холатлардагига қараганда. 5-10. 50-100 хатто 100-200 маротабагача қўп бўлар экан.

### **Мавзу: Тупроқнинг саноат корхоналари чиқиндилари билан ифлосланиши.**

Атмосфера ҳавоси таркибидаги чанг заррачаларининг ёмғир ва қор билан ерга тушиши туфайли тупроқ ифлосланадн.

Металлургия заводидан чиқарилаётган чангни кимёвий таркибинн анализ қилинганда куйидаги элементларнинг борлиги аниқданди (кулга нисбатан % хисобида): Fe-37.9; AL-15.3; Cu-2.7; Ti-0.9; Mn-0.8; РЬ-0.2. атмосферага чиқарилаётган чиқиндиларнн орасида металларнинг концентрацияси ҳар хил, бу албатта, ишлаб чиқаришни моҳияти ва чанг ушлуб қолувчи фильтрларни иш фаолиятига боғлиқ. М.Катцанинг

маълумотига кўра саноат корхоналарининг чиқиндилари орасида кремний, кальций, натрий, алюмин. темир элементлари юқори бўлади. Юқоридаги муаллифнинг таъкидлашича АҚШ бўйича чанг моддасининг концентрацияси қуийдагича: Fe-53.6; Mn-5.7; Cu-4.68; Zn-0.78 мкг/м<sup>3</sup>. Польшада атмосферадаги ўртacha металларнинг миқдори қуийдагича: Fe-2-19.1; Zn-0.48-6.09; Cu-0.04-0.46 мкг/м<sup>3</sup>. Бу маълумотлар Англия ва Германия мамлакатлардагига якин.

Саноат корхоналари атрофларидаги атмосфера хавосида кимёвий элементларнинг кўп бўлишилиги, тупроқ таркибида оғир металларни тўпланишига (оғир металларни тўпланишига) сабаб бўлади.

Куийдаги жадвалда (Жадвал №4) темир ва марганец элементларини атмосфера хавоси таркибида тарқалиши келтирилган. Ундан маълум бўлишича, темир ва марганец ифлослантирувчи манбада энг кўп тарқалиб, ундан узоклашганда темир ва марганецнинг атмосфера ва тупроқ таркибидаги миқдори камайиб боришади.

№	Кўрсаткичлар	Металлар	Манбадан хар хил узоқликда				
			1	2	3	4	5
	Ҳаво таркибидаги ўртacha концентрация мг/м'	Fe	1.81	1.29	0.91	0.43	0.37
			Mn	0.047	0.025	0.019	0.012
	Тупрок катламидаги миқдори 0-10 см, курук модда хисобига %	Fe	19.5	16.9	12.9	10.9	11.6
			Mn	0.21	0.18	0.10	0.06

Куийда эса металлургия заводи таъсири остида бўлган тупроқларда оғир металларнинг тарқалиши келтирилган.

Чиқинди	Fe	Ti	Mn	Cu	Pb	zn
Масофаси (км)	9.455	0.499	0.116	0.030	0.011	0.005
50 (назорат)	4.605	0.393	0.041	0.008	0.001	0.002

Г.А.Шестаков ва Г.Г.Казанцеваларнинг кўп йиллик маълумотлари бўйинча, Шарқий Қозоғистонда тупроқнинг рангли метал чиқиндилари билан ифлосланганда, уларда қўрғошин ва рух элементларини кўпайганлиги кузатилган.

Мис, мишъяк ва рух элементларини Англия ифлосланган тупроқларидаги миқдори одатдагига нисбатан 350-700 маротаба юқори бўлган, кумуш, вольфрам ва олово элемеитларини эса 1000-2000 маротаба юқори бўлган.

Шундай маълумотлар борки, оғир металлар ифлослантирувчи манбадан 10-15 км масофадаги тупроқларгача тарқалган. Г.А Шестакова, Г.Г.Казанцеваларни кузатишича заводлар чиқиндиларидаги ингридиентлар 30-50 км радиусдаги тупроқларга хам тарқалар экан. В.Н.Шаприцкий таъкидлайдеки, корхоналардан тарқалган чанглар 15-20 км гача бўлган масофаларга салбий таъсир кўрсатади, П.Райс бўйича эса бу таъсирот 115 км гача боради. Я.Грештакинг (1970) маълумотига кўра юқори концентрациядаги оғир металлар асосан 800 м гача бориб етади, кейин эса 1000 метрдан ошгандан кейн у камая боради.

### **Мавзу: Ўсимликларнииг атроф-мухитни ифлосланишига чидамлилиги.**

ХХ-асрнииг охиригача келиб атроф-мухитни ифлосланиши боис, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг таназзулга учраётгани ҳеч кимда шубҳа ўйғотмайдиган бўлиб қолди. Атмосфера, гидросфера ва литосфера ресурсларининг сифати ёмонлашади. Атроф-мухитни ифлосланишида саноат корхоналари ва транспорт воситаларининг улуши юқори даражада. Маълум бўлишича атмосферанинг ифлосланишида асосий манба транспорт воситалари (40-60%) бўлиб қалмоқда. Планетамиз атмосфераснга йилига 250

минг тонна чанг, 200 млн тонна ис гази. 150 млн тонна олтингугурт оксиди, 50 млн тонна азо оксиди. 50 млн тоннадан ортиқ углеводородлар, хамда 20 млрд тонна карбонат ангидриди гази чиқарилмоқда.

Булардан ташқари metallurgия корхоналари йилига 150 млн тонна мис, 120 млн тонна 90 минг тонна қўрғошин, 800 тонна кобальт, хамда 30 тонна га якин симоб моддаларини чиқарилмоқда. Фақатгина автомобиллардан чиқариладиган газлар орқали атроф-мухитга 250 минг тонна рух моддаси чиқарилмоқда.

Дунё океанининг суви хам борган сари ифлосланиб бормоқда. Шундай қилиб, табиатни ва унинг компонентларини соф холатга келтирилмай туриб, халк хўжалигимизни ривожланншига эришиб бўлмайди. Бу муаммоларни хал қилиш учун мамлакатлар ва халқдар ўз фаолиятларини бирлаштиришлари зарур. Ушбу масалани хал қилиш учун жуда кўп маблаг ва меҳнат сарфланиши керак.

Мисол тариқасида шунн таъқидлаш жоизки. Энг юқори тараққий этган АҚШда табиат муҳофазасига маблаг сарфлаш миқдори, мамлакат бўйича соғликни сақлаш, жиноятчиликка карши кураш, наркотик моддаларни бартараф этиш каби туради. Муаммолар бўйича 4 ўринда туради. Мамлакатда атмосферанинг ифлосланишидан кўрилаётган зарар 10-15 млрд долларни ташкил қилмоқда, факат қишлоқ хўжалиги бўйича бу зарар 150-500 млн долларни ташкил қилмоқда.

Заарли бўлган чиқинди модлаларшшг атроф-мухитга чиқарилиши табиатни таназзулга олиб келувчи асосий омиллардан бўлиб қолмоқда.

Марказий Осиё регионида охирги вақтларда атмосферанинг *ифлосланиши, асосан тез суръатлар билан ривожланиб бораётган саноат ва автотранспорт воситалари хисобига бўлмоқда*.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, атроф-мухитни муҳофазаси масаласи хозирги ва келажак авлодларнинг турмуш-тарзияни яхшилашнинг асосий негизи бўлмоги зарур, чунки табиат бутун эволюция жараёнида инсонларнинг ривожланишида моддий манбаи бўлиб келган ва шундай

бўлиб қолади. Водийда кимё саноати гигантлари (Фарғонада "Азот" бирлашмаси, Нефтьни қайта ишлаш, Сунъий толадар, гидролиз, Кўқонда суперфосфат заводи, пахта тозалаш, мебель саноати, озик-овқат ва бошқа қайта ишлаш) корхоналари мавжуд.

Маълумки, Корея Республикаси билан ўзаро хамкорликда Асака шахрида катта машинасозлик заводи 1996 йилдан бери муваффақиятли равишда махсулот (машиналар ва улар учун айрим эҳтиёт қисмлари етказиб бермоқдалар). Булардан ташқари Андижон, Наманган, Қувасой ва Қува шахарларида хам кўплаб ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналар мавжуд. Маълумки водийда бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштирилади.

Бундай катта-катта корхоналарни, заводларни ва бошқа мажмуаларни бўлгани яхши, чунки улар халқимиз учун зарур махсулотларни етказиб беради. Шунинг билан бирга, бошка жойларда бўлгани каби, юқоридаги *саноат* корхоналари *ва бошқаларнинг салбий томонлари ҳам мавжуд*, чунки улар ишлаб чиқариш жараёнида бир қатор чиқинди моддалар чиқарадилар. Кимё заводлари кўп миқдорда карбонат ангидринди, ис гази, азот оксиди, сульфат оксиди, фтор водород ва бошқа захарли газларни чиқарадилар, қайсики улар атмосфера, гидросфера ва литосферани ифлослантирадилар. Саноат корхоналари. айниқса транспорт воситалари атмосферага кўплаб чиқинди газларни (углеводородлар, фенол, бензоперен) чиқарадилар. Саноат ва қишлоқ хўжалиги мажмуаларидан чиқарилувчи чиқинди моддалар биринчи ўринда атмосферани ифлослантирса, иккинчи ўринда сув ва тупроқни ифлослантиради, уларнн сифатини ёмонлаштирадилар. Атроф- мухитга чиқарилган чиқинди моддалар хаво, сув орқали инсонга ва бошқа тирик мавжудотларга таъсир этади. Тупроқ орқали уларда яшовчи тирик мавжудотларга хам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Хуллас хар жойда, хар доим биз табиатга салбий таъсир қилаётган антропоген омилларнинг зарарини кўрамиз.

"Атмосфера ҳавоси ҳеч қачон тоза бўлмаган, лекин у ифлос ҳам бўлмаслиги керак", дейди Майкл Трешоу (1988). Атмосфера ҳавоси ҳар доим ҳар хил газларни сув парларини ва бошқа микроскопик заррачаларнинг (ўсимликлар гулларининг чанглари) йиғиндиси хисобланадн. Тупроқнинг нураши туфайли чанг, вулқонлардан отилиб чиқсан ёки ўрмонларни ёнишидан келиб чиқсан кул, ўсимликлар томонидан чиқариладиган аромат моддаларнинг барчаси ҳавони ташқил этади.

Атмосфера ҳавосининг барча компонентлари ҳам ҳавони ифлослантирумаслиги мумкин. Лекин атмосферага чиқарилаётган антропоген омиллар ўсимликларнинг физиологик жараёнларига салбий таъсири этиб, айрим холларда уларни *йўқ бўлиб кетишига омил бўлади*.

Охирги 20-30 йиллар мобайнида антропоген омилларнинг таъсири жуда ортиб кетди. Ер юзида миллионлаб тонна кўмир ва бошқа ёқилғи материалларини ёқмоқдамиз, миллионлаб тонналар метални эритмомамиз. Албатта улар атроф-мухитни ифлосланишига олиб келмоқда. Уларнинг барчаси ўсимликлар дунёсига салбий таъсири кўрсатмоқда. Чиқинди моддаларнинг ичida ўсимликларга айниқса олtingугурт оксиди, фтор бирикмалари, ис гази ва углеводородлар ёмон таъсири кўрсатади. Ифлослантирувчн моддалар даставвал атмосферадан ўсимликларга тушади, кейин улар хужайра оралиқлари орқали ва тўқималарга шимилади. Таъсири этувчи моддалар даставвал кам дозаларда бўлса ўсимликлар уларга қарши бир неча йиллар бардош бериши мумкин. Бу нарсалар давом этаверса ўсимликлар уларга қарши кураш имкониятлари бўлмаганлигидан оқибат натижада ўлиб кетади.

Захарли моддаларнинг (токсикантлар) ўсимлик организмига таъсири ҳар хил йўллар билан намоён бўлиши мумкин. Лекин бу таъсириот кўпчилик ҳолатларда ўсимликларда кечадиган модда алмашинуви жараёнини бузади. Ҳар қайси токсикантлар ўсимликларда содир бўладиган физиологик ва биокимёвий жараёнларга ҳар хил таъсири этади.

"Ҳавонинг ифлосланиши ва ўсимликларнинг ҳаёти" номли монографиянинг муаллифларидан Дональд Жиллет тўғри урғу берадики, ҳавонинг ифлосланиши - бу жамиятнинг касалланиши, қайсики бу касаллик инсоннинг актив фаолияти туфайли юзага келди ва ўз навбатида, унинг ҳаётига ва фаровонлигига таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, бу яъни жамиятнинг ўзини касаллиги қайсики инсоннинг ўзини фаолияти туфайли содир этилган, қайсики, унинг негизида индустрисиап тараққиёт ётади. Бундай тараққиёт эса ўз навбатида кишилик жамияти тараққиётининг ўзига хос конуниятларидан бири бўлиб саналади.

Чиқинди моддаларнинг заҳарли эканлигини аниклаш ҳамда уларга қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқишида, уларни физик, кимёвий, биологик, технологик, гигиеник жиҳатдан классификация қилиш муҳим. Шунга қарамасда бу соҳада ҳам етарли даражадаги классификация ишлаб чиқилмаган.

Кўпчилик тадқиқотчилар саноат чиқиндиларини газларга чангга ва сув парларига бўлиш билан чегараланадилар.

### **Мавзу: Ўсимликлар томонидан ҳаво таркибидаги чангни ушлаб қолиниши**

Ўсимликлар томонидан атмосфера ҳавосидаги чангларни ушлаб қолишини кўпчилик муаллифлар томонидан қайд қилинган. Олиб борилган тадқиқотлар ва кузатишлардан шу нарсалар маълум бўлдики, ўсимликларнинг чангни ушлаб қолиш хусусиятлари уларнинг биологик хоссаларига узвий равишда боялиқ (баргларнинг сер тукли бўлишлиги, ёпишқоқлиги ва бошқалар). Бу нарсалар яна иқлим шароитга ҳам боялиқ ёғингарчилик, шамолллар ва бошқалар.

Маълум бўлишича кенг баргли дарахтлар, нина баргли дарахтларга нисбатан чангни кўп миқдорда ушлаб қоладилар.

Биз хар доим тилга олаётган "Саноат ботаникаси" китобининг муаллифлари Украинанинг сахро зонасида жойлашган металлургия заводи

атрофидаги ўсимликларнинг чангни ушлаб қолиш хоссаларини аниқлаганлар (жадвал № 6).

#### Жадвал № 6.

1 м<sup>2</sup> хажмдаги ўсимлик барглари томонидан чанг заррачаларини  
ушлаб қолиниши.

Турлар	Завод боғи	назорат				
		Май	Июль	Сентябрь	Май	Июль
Оқ акация	523	352	4450	240	250	72
Дуб	200	250	9418	220	168	504
Каштан	546	1213	13950	470	330	513
Жўка майда баргли	390	336	5400	115	312	520
Заранг	325	296	4518	200	52	301

Тажриба ишлари кучли ифлосланган металлургия заводи боғида шароитида олиб борилган. Назорат қилиб эса Мариупол ўрмон тажриба станцияси шароити танлаб олинган.

Жадвалдаги маълумотлар аниқ ва ишонарли холатда шуни кўрсатиб турибдики, металлургия заводи боғида ўстирилган оқ акация, каштан, жўка ва заранг дараҳтларининг баргларидаги чанг заррачалари назоратдагига нисбатан кўп миқдорда бўлган.

Энг юқори даражадаги чанг ушлаш хоссалари дуб ва каштан дараҳтларида экан. Бирок хар хил ойлар мобайнида ўсимликлар баргларида тўплаган чанг заррачалари доимий эмас. Чанг заррачаларининг атмосферада бўлиши иқлим шароитига, баргларининг холатига ва бошқа омилларга боғлик. Маълумки ўсимликларнинг барглари уларнинг вегетация даврларида бирдай бўлмайди. чунки улар морфологик жихатдан бироз бўлсада ўзгариб туради, вақтнинг ўтиши билан барг пластинкаларининг туклари, ёпишқоқлиги, уларни ғадир- будурлиги ва бошқалари ўзгариб туради.

Барг пластинкаларидаги чанг заррачаларининг хар хил миқдорда бўлишлигига қарамасдан, умуман чангни кўп тўпланиши вегетация даврининг охирига тўгри келади.

Г.М.Илькун ва С.А.Аникиналарнинг маълумотларига кўра ёшдаги қора теракнинг умумий барг майдони  $50\text{ m}^2$  ни ташкил қилган холда, вегетация даврида 44 кг чангни ушлаб қолган. Бу рақам оқ теракда 53, оқ толда 34 ва заранг дараҳтида 30 кг ни ташкил қилган.

Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, металлургия заводи атрофида, хамда цемент заводлари атрофларида чанг заррачалари хар хил бўлган. металлургия заводи боғидаги дараҳтлар хар гектар хисобига 18 тоннадан чангни ушлаб қолган. Бошқа тадқиқотлардан маълум бўлишича қарамай ғар хил дараҳтлардан иборат ўрмонзорлар гектарига 36 тонна чангни ушлаб қолар экан. Г.М.Илькун шуни таъкидлайдики, ўртача ўсимликлар вегетация даврида 40-60 тоннагача чангни ушлаб қоладилар.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, саноат корхоналари томонидан атроф-муҳитни ифлосланишини олдини олишда, айниқса хавони чангдан тозалашда ўсимликларнинг ахамияти катта. Ўсимликлар хавони чангдан тозаловчи табиий фильтр хисобланади.

### **Мавзу: Ўсимликларнинг олtingугурт ва водород фторид билан ифлосланган хавога реакцияси. Олtingугурт оксиди ( $\text{SO}_2$ ).**

Атмосфера хавосининг ифлосланишида олtingугурт оксиди олдинги ўринларда турди, хамда у кучли фитотоксикантлардан саналади. Яна шунга эътиборни қаратиш зарурки, ушбу модда ўсимликлар учун маълум даражада озика моддаси хам хисобланади. Олtingугуртга камбағал тупроқларда у озуқа манбай хисобланади. Шундай маълумотлар борки, хавога олtingугурт чиқарилиб турган ҳудудларда ўсган райгресс (*Lolium perenne*) билан сули (*Avena sativa*) хосилдорлиги бироз даражада ошган. Олtingугурт оксиди нефть маҳсулотларини ёнишидан кўплаб атмосферага чиқарилади.

Фтор бирикмаларидан фтор водород ( $\text{HF}$ ) ҳам ўсимликларга салбий таъсир билан характерланади. Атмосферага кўп чиқаришлиги жиҳатидан  $\text{SO}_2$  биринчи ўринда турса,  $\text{HF}$  иккинчи ўринда турди, фитотоксикантлиги жиҳатдан гам иккинчи ўринда турди.

Ўсимликларга заар қелтирувчи моддалар орсида АҚШда НF бешинчи ўринда туар әкан. Фтор олтингугуртга ўхшаб макроэлемент эмас, яни ўсимликлар учун оз миқдорда бўлса ҳам озуқа моддаси хисобланмайди.

Фторводородни таъсири остида, айниқса бошоқдошлар оиласига мансуб ўсимликларни ҳосилдорлиги камайганлиги аниқланган. Шунингдек салбий таъсирот маккажӯхори, беда, нўхот, пиёз ўсимликларида ҳам кузатилган. Фтор моддасини таъсири туфайли картошканинг крахмали камайиб кетган. Алюмин заводлари таъсири остида ўсган 40-60 % га камайиб кетган.

Ҳаво олтингугурт оксиди ва фторводород билан ифлосланган худудларда ўсадиган икки баргли дарахтларнинг баргдан кенг баргли дарахтларнинг барглари касалланиб, ўсиш режими пасаяди. Ўсимликларнинг навдалари қисқаради, барг пластинкалари кичраяди.

Экстремал шароитларда қарағай, оқ қайнин ва толлариинг ўсиши пасайиб, улар ер бағирлаб, нормал холатда ўсмайди.

Атмосферанинг S0<sub>2</sub> билан ифлосланган худудларда, шунингдек фторводород билан ҳам, қарағай дарахтнинг куриб олиш жараёнлари кузатилган. Бунда дарахтнинг устки қисмидаги игна барглар тўкилабошлиши кузатилади. Игна барглар ўса бошлаб дарахт таналари қўполлашади (деформация).

Атмосфера хавосини ифлослантирувчи моддалар маълум концентрацияда протоплазма функциясини бузади, ферментатир системага ҳам салбий таъсир этади. S0<sub>2</sub> ва НFларга бўлган ўсимликларнинг реакциялари уларни (ифлослантирувчи моддаларнинг) концентрацияларига, ўсимликларнинг ўсиш фазалари, ҳамда уларнинг резистентларига (касалликларга чидамликларига) боғлиқ. У ёки бу концентрацияли ифлослантирувчи моддалар сезгир турларда некрозга (куриб қолиш, заарланиш) олиб келади. Айрим резистент (чидамли) турларда эса юкоридаги моддалар хатто ўсишни тезлаштириши ҳам мумкин экан.

S0<sub>2</sub> моддасининг бошоқдошларга таъсири кучли экан (Secale, Triticum, Hordeum) қайсики уларнинг биологик массаси кам бўлишилиги (Lolium

perence) аниқланган. Шундай натижалар олинганилиги маълумки, хатто уларнинг хосилдорлиги 57% гача камайиб кетган. Оқсўта ўсимлигинн (*Dactylus glomerate*) ва хосилдорлиги 40% га камайган.

Икки паллали ўсимликлардан тамаки (*Nicotiana*), йўнғиқча (*Melicago*), ловиянинг (*Phaseolus*)  $SO_2$  таъсири остида ўсиш жараёнининг секинлашгани аниқланган.

$SO_2$  нинг таъсири ўрмонларда яхши текширилган, уларнинг умумий холатлари сусайиб  $CO_2$  ни ассимиляция қилиши камайган. Заранг (Aseg) ва эман (*Quercus*) дараҳтларининг барг массалари  $SO_2$  ни таъсирида камайганлиги қайд қилинган. Қарағай дараҳтларини уруғлари ва сўталарини хам кичикроқ бўлиб қолишлиги аниқланган. Айрим турларнинг (*Larix*) гул чанглари нормал холатда бўлмаганлиги аниқланган.

Нок (*Rutus*) дараҳтига махсус йўл билан  $SO_2$  гази сепилганда, унинг гул чангини униши секинлашган, унинг меваси хам маълум миқдорда кичрайган. HF гази таъсирида қарағай дараҳтининг (*Pinus silvestris*) уруғлари кичрайган. сўтасини массаси ва размери хам деярли камайган.

Гудериан (*Judarian, R*) таъкидлайди, HF озиқабоп ўсимликларга кучли таъсир этмайди, уларнинг ўсиши ва ривожланиши айтарли даражада ўзгартирмайди. У 10 та ўтчил ўсимлик устида тажриба ишлари олиб борган, уларга кучсиз концентрацияли HF нинг таъсири остида юқоридаги тўпланган ва у эса ҳайвонлар ҳаёти учун хавфли даражада бўлади.

Бошоқдошлар оиласига мансуб маккажўхори, сули, арпа ўсимликларига HF гази салбий таъсир этиб, уларнинг махсулдорлигини камайишига олиб келган. Атмосфера ҳавосидаги HF газининг салбий таъсири пиёз, картошка, ловия ва бошқа экинларда ҳам аниқланган.

### **Мавзу: Ўсимликлар томонидан оғир металларин аккумуляция**

#### **қилиниши.**

Атмосфера ҳавосинн ва тупроқнинг саноат корхоналари чиқиндилари билан, жумладан металлар билан ифлосланиши натижасида улар ўсимликларга ҳам ўтади.

Барча организмлар, жумладан ўсимликлар ҳам табиатда тарқалган моддаларни ўзларида акс этдирадилар — деган эди В.И.Вернадский, уларни ҳаводами ёки тупроқларда бўлишндан қатъий назар.

Саноат ботаникаси китобининг 2-бобида ўсимликлар томонидан металларни аккумуляция қилиниши шароити баён қилинган. Бу масала таянч нуқталарда, 30-40 ёшларида дарахтларда ўтказилган. Тажриба майдонлари қўйидагилар:

1. Металлургия заводининг боғида, қайсики тажриба учун олинган дарахтлар ифлослантирувчи манбадан 1 км узоқда жойлашган. Бу зонадаги ўсимликлар доимо ифлосланган ҳаво шароитида ўсишади. Чангнинг максимал даражадаги концентрацияси  $3 \text{ мг}/\text{м}^3$ .
2. Шахар боғи, заводдан 3 км узоқликда жойлашган бўлиб, ҳавонинг ифлосланиш даражаси ўртача. Чангларнинг максимал даражадаги концентрацияси  $1,5-2,0 \text{ мг}/\text{м}^3$ .
3. Ботаника боғи, заводдан 10 км узоқликда жойлашган. Ҳавонинг ифлосланиш даражаси нисбатан кам. Чангнинг максимал даражадаги концентрацияси  $0,6 \text{ мг}/\text{м}^3$  гача.
4. Назорат тарикасида эса Мариупол ўрмон тажриба станцияси, уни заводдан узоқлиги 50 км. Ҳавонинг ифлосланиш даражаси жуда сийрак.

Тажриба объектлари қилиб мазкур шароитларга чидамли ва бардошли ўсимликлар олинган: оқ акация (*Robinia pseudacacia*) дуб (*Quercus robur*), Болле тераги (*Populus bolleana lauche*), каштан (*Aesculus hippocastanum*), заранг (*Acer plantanoides*) ва жўка дарахти (*Tilia cordata mill*).

Ўсимликлар таркибидағи оғир металлар кимёвий йўл билан анализ қилинган.

Тажрибадаги умумий маълумотлардан бири, ўсимликлардаги кул моддасининг микдори ҳавонинг ифлосланиши ва ифлослантирувчи манбадан қанча узоқликда объектни жойланишига bogliq. Атмосфера ва тупроқ

қатламлари қанча юқори даражада ифлос бўлса, ўсимликлар таркибидаги кул моддаси кўп тўпланади.

Қўйидаги жадвалда № 7 ўсимликларда кул моддасини тўпланиши келтирилган.

**Жадвал № 7**

**Хар хил шароитлар ўстирилган ўсимликлар баргида кулнинг  
тўпланиши, қуруқ модда хисобига, %.**

Вақти	Завод боғи	Шахар боғи	Ботаникка боғи	назорат
<b>Оқ акация</b>				
Июнь	7.1 ±0.43	8.3 ±0.88	6.7 ±0.27	5.7 ±0.18
Июль	9.4 ± 0.98	12.5 ±0.87	7.3 ± 0.73	7.1 ±0.62
Сентябрь	12.1 ±0.37	13.0 ±0.47	13.0 ±0.69	9.9 ±0.41
Дуб				
Июнь	7.3 ±0.18	6.8 ±0.44	5.2 ± 0.13	5.4 ±0.43
Июль	10.4 ±0.64	8.8 ±0.45	6.6 ± 0.25	5.9 ±0.67
Сентябрь	16.0 ± 1.71	12.3 ±0.74	6.5 ±0.53	6.5 ± 0.24
<b>Каштан</b>				
Июнь	8.2 ± 0.81	9.5 ±0.98	6.8 ±0.71	8.2 ± 0.49
Июль	10.3 ±0.47	9.8 ± 0.47	7.6 ± 0.62	8.3 ±0.74
Сентябрь	12.7 ±0.93	12.5 ± 1.12	8.0 ± 0.93	8.0 ±0.83
<b>Заранг</b>				
Июнь	8.3 ±0.14	8.2 ± 0.62	8.4 ± 1.03	7.4 ±0.59
Июль	11.1 ±0.51	13.3 ±0.92	9.5 ± 1.03	9.6 ± 0.78
Сентябрь	13.9 ±0.84	10.8 ±0.79	10.9 ±0.94	11.9 ± 0.94
<b>Майдабаргли жўка</b>				
Июнь	10.3 ±0.93	9.8 ± 0.93	8.5 ±0.71	9.3 ±0.41
Июль	11.6 ±0.87	11.2 ±0.46	9.2 ± 0.99	9.3 ±0.87
Сентябрь	15.0 ± 1.73	12.5 ±0.99	12.8 ± 1.65	9.5 ±0.33
<b>Болле тераги</b>				
Июнь	8.7 ±0.61	9.5 ±0.33	8.3 ± 0.49	-
Июль	11.2 ±0.37	13.3 ±0.73	10.4 ±0.38	-
Сентябрь	13.4 ±0.63	13.4 ±0.86	10.4 ±0.87	-

Шундай конунийт кузатилганки, атмосфера ва тупроқ қанча кўп ифлосланса, ўсимликлардаги кул моддаси шунча бошларида билинса, вегетация даврининг охирига келиб аниқ кўринади.

Жадвал материалларидан маълум бўлишича, тажриба майдонларида назоратга нисбатан ўсимликларда кул моддасини тўпланиши 1.5-2.5 марта

ортиқ. Юқори ифлосланган шароитларда ўсган дараҳтлардаги минерал элементлар дуб ва жўкаларда кўп бўлган.

М.М.Фёдоровнинг кўрсатишича, ўсимлик баргларидаги кул моддасининг тўпланишлиги ўша турнинг мазкур шароитга яхши мослашганлигидан далолат беради.

Энди хил ифлосланган атмосфера шароитида ўсган ўсимликларда оғир металларни тўпланишлигини тахлил қиласиз. Шу нарса аниқ бўлдики, атмосфера ва тупроқ темир элементи билан қанча кўп ифлосланса, шу ерлардаги ўсимликлар таркибидаги ушбу элементнинг юқори даражада бўлишлигини кузатамиз (жадвал 8).

#### Жадвал № 8

Темир моддасининг ўсимликлар баргидаги миқдори, мг/кг қуруқ модда хисобида.

Тур	Июнь	Июль	Сентябрь
Завод боғи			
Оқ акация	308 ± 15	371 ± 24	610 ± 59
Дуб	238 ± 17	415 ± 29	799 ± 37
Каштан	533 ± 49	618 ± 81	1034 ± 11 4
Заранг	314 ± 27	366 ± 42	880 ± 92
Майда баргли жўка	305 ± 19	588 ± 49	1103 ± 101
Болле тераги	129 ± 14	373 ± 33	957 ± 67
Шахар боғи			
Оқ акация	1.73 ± 17	210 ± 5	271 ± 14
Дуб	1.43 ± 3	324 ± 22	624 ± 39
Каштан	216 ± 32	330 ± 27	243 ± 81
Заранг	299 ± 37	238 ± 29	472 ± 62
Майда баргли жўка	342 ± 21	610 ± 49	832 ± 85
Болле тераги	108 ± 3	315 ± 24	434 ± 16
Ботаника боғи			

Оқ акация	$83 \pm 2$	$138 \pm 4$	$294 \pm 19$
Дуб	$240 \pm 9$	$283 \pm 7$	$450 \pm 17$
Каштан	$184 \pm 17$	$297 \pm 21$	$670 \pm 83$
Заранг	$132 \pm 7$	$530 \pm 29$	$850 \pm 62$
Майда баргли жўка	$284 \pm 23$	$453 \pm 36$	$810 \pm 71$
Болле тераги	$176 \pm 9$	$389 \pm 11$	$890 \pm 33$
Назо		рат	
Оқ акация	$86 \pm 3$	$93 \pm 4$	$121 \pm 5$
Дуб	$84 \pm 5$	$149 \pm 9$	$270 \pm 12$
Каштан	$97 \pm 5$	$216 \pm 17$	$354 \pm 19$
Заранг	$156 \pm 9$	$189 \pm 21$	$210 \pm 13$
Майда баргли жўка	$194 \pm 4$	$284 \pm 11$	$298 \pm 71$
Болле тераги			

Барча ўрганилган ўсимликларда, яъни хам тажрибада ва назоратда темир моддасининг тўпланиши ўсимлик вегетаияларини охирида кузатамиз. Маълумотларни тахлили шуни қўрсатадики, темир моддаси жўка, каштан, Болле тераги ва зарангда қўпроқ тўпланар экан. Металлургия заводининг чанглари билан ифлосланган муҳитда назоратга нисбатан ўсимликларда 3-5 марта темир қўп тўпланар экан.

Шундай маълумотлар борки, темир рудасини қолдигини темирнинг миқдори 44 % бўлган шароитда ўстирилган ўтчил ўсимликлар таркибида ўртacha икки марта қўп миқдорда темир бўлар экан (Дробиз ва бошқалар 1930).

Келгуси жадвалларда эса ўсимликлар томонидан хар хил ифлосланган шароитларда марганец ва қўрғошин элементларини тўпланишлиги келтирилган. Бу маълумотлардан хам кўриниб турганидек, қўрғошин ва марганец элементлари ифлосланган шароитларда ўсан ўсимликларда назоратдагига нисбатан бир неча марта юқори бўлган.

Ўсимликларнинг баргода марганец элементини тўпланиши, мг/кг қуруқ  
модда хисобига.

Турлар	Июнь   Июлб		Сентябрь
<b>Завод боғи</b>			
Оқ акация	102 ± 12	117 ± 7	116 ± 3
Дуб	70 ± 2	137 ± 11	97 ± 9
Каштан	136 ± 11	167 ± 19	72 ± 6
Заранг	205 ± 19	175 ± 15	195 ± 21
Майда баргли жўка	125 ± 8	50 ± 3	46 ± 2
Болле тераги	44 ± 5	50 ± 3	46 ± 2
<b>Шахар боғи</b>			
Оқ акация	105 ± 5	229 ± 12	101 ± 9
Дуб	11 ± 1	42 ± 3	44 ± 2
Каштан	126 ± 14	275 ± 15	117 ± 8
Заранг	81 ± 6	194 ± 17	132 ± 16
Майда баргли жўка	37 ± 2	63 ± 7	43 ± 2
Болле тераги	55 ± 5	116 ± 4	197 ± 12
<b>Ботаника боғи</b>			
Оқ акация	70 ± 4	32 ± 11	136 ± 14
Дуб	26 ± 1	40 ± 3	36 ± 4
Каштан	143 ± 9	276 ± 22	206 ± 19
Заранг	77 ± 8	217 ± 16	395 ± 9
Майда баргли жўка	26 ± 4	45 ± 3	50 ± 4
Болле тераги	76 ± 4	214 ± 19	164 ± 17
<b>Назо</b>		<b>Рат</b>	
Оқ акация	27 ± 6	32 ± 2	68 ± 2
Дуб	118 ± 10	222 ± 19	221 ± 12
Каштан	62 ± 2	101 ± 4	124 ± 14
Заранг	98 ± 5	108 ± 23	152 ± 26
Майда баргли жўка	57 ± 2	76 ± 5	120 ± 11
Болле тераги			

Шунингдек ифлосланган шароитларда ўсган ўсимликларни орасида оқ акация ва каштанлар алюминий элементини қўпроқ аккумуляция қилар экан. Уларнинг баргларида алюминий тўпланиши вегетация даврининг бошларида қўпроқ бўлиб, уни охирида эса камайиб борар экан. Бошка турларда эса алюминий миқдори ёзниг охирларида кўпаяди. Алюминий тўпланиши

бошқа турларда унча фарқ кўринмайди. Ушбу элементни тўпланини кўпроқ оқ акация ва каштанда кузатилади.

Тажрибада ишларн давом эттирилиб, юқоридаги дараҳтлар таркибида хам рух элементини тўпланиши аниқланган. Маълум бўлишича ушбу элемент кўпроқ автомобиль йўллари атрофларида ўсган ўсимликларда 5-20, хатто 100 марта хам нормадан ортиқ бўлар экан.

Украина шароитида ўрганилган ўсимликларни орасида рух, элементини кўп аккумуляция қилган турлардан заранг ва терак хисобланади. Бошқа турларда кескин фарқ йўклиги маълум бўлган (жадвал № 10).

жадвал № 10

Ўсимликларнинг баргига рухни тўпланиши мг/кг қуруқ  
\_\_\_\_\_ модда хисобида.

Турлар	Июнь	Июль	Сентябрь
<b>Завод боғи</b>			
Оқ акация	12 ±0.4	13 ±0.4	14 ±0.6
Дуб	6 ±0.2	12 ± 1.1	21 ± 1.3
Каштан	16 ±0.9	17 ±0.9	23 ± 1.1
Заранг	15 ±0.5	23 ± 1.2	38 ±2.9
Майда баргли жўка	11 ±0.9	13 ±0.5	21 ± 1.5
Болле тераги	15 ± 1.1	32 ± 1.9	43 ±3.7
<b>Шахар боғи</b>			
Оқ акация	17 ± 1.1	14 ±0.7	13 ± 0.4
Дуб	4 ±0.4	11 ±0.9	26 ± 1.3
Каштан	9 ±0.3	14 ± 1.2	21 ± 1.8
Заранг	14 ± 0.9	41 ±2.9	36 ±2.4
Майда баргли жўка	11 ± 0.5	11 ±0.3	21 ± 1.1
Болле тераги	15 ±0.6	40 ±3.7	47 ±2.3

Ботаника боғи			
Оқ акация	12 ±0.4	19± 1.6	22 ± 2.9
Дуб	6 ±0.4	12 ± 0.6	12 ± 0.8
Каштан	13 ± 0.8	18± 1.2	21 ±2.3
Заранг	12 ±0.3	31 ±4.3	48 ±3.2
Майдабаргли жўка	8 ±0.8	15 ± 1.4	17 ± 1.7
Болле тераги	21 ± 1.9	44 ± 2.4	46 ± 4.1
Назо		Рат	
Оқ акация	12 ± 1.3	15 ±0.5	13 ± 0.6
Дуб	4 ±0.2	9 ±0.6	15 ± 1.5
Каштан	14 ± 1.2	14 ± 1.2	16 ± 1.2
Заранг	13 ±0.7	19± 1.1	26 ±2.7
Майдабаргли жўка	10 ± 0.8	12 ±0.8	20 ±29
Болле тераги			

Ўсимликлар учун озука элементлари илдизлар орқали қўтарилади, уларнинг функциялари фақатгина шу билан кифоланмай, балки улар мураккаб кимёвий элементларни, жумладан айрим микроэлементларни хам ўзлаштиришда иштирок этадилар. Маълум бўлишича темир ва марганец сўрувчи ва ўсувчи илдизларда кўпроқ тўпланар экан.

Илдиз ва баргларда темирнинг миқдорини солиштириб кўрилганда, сўрувчи ва ўсувчи илдизларда 1,5-2 марта кўп бўлишилиги аниqlанган.

Марганецнинг миқдори оқ акация, дуб ва каштанинг илдизларида баргларидагидан кўпроқ, заранг ва жўкада бунинг акси.

Ифлосланиши юқори даражада бўлган мухитда ўсувчи ўсимликларда темир фақатгина илдиз орқали эмас ва балки уларнинг барглари орқали хам ўтади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, атмосферадаги саноат чангларини таркибида темир юқори даражада бўлганда (40% гача) каштан дарахтининг барглари уни 35 % ини ютар экан. Ҳар хил ифлосланган шароитларда ўсган дарахтлар томонидан темир ва марганецияни тўпланиши қўйидаги жадвалда келтирилган (жадвал № 11).

Хар хил ифлосланган шароитда ўсган ўсимликлар баргидатемир ва марганецнинг миқдори, (мг/кг қуруқ модда хисобида)

Турлар	Fe		Mn	
	Завод боғи т	Назора	Завод боғи т	Назора
Оқ акация	610.0 ±59	121 ±5 3	116 ± 3	68 ±2
Дуб	799.0 ±37	270 ± 12	97 ±9	221 ± 12
Каштан	1034 ± 114	254 ± 19	72 ±6	124 ± 14
Заранг	880 ± 92	210 ± 13	195 ± 21	152 ±26
Жўка	103± 101	298 ± 21	114 ± 9	120 ± 11

Жадвал материалларидан яққол кўриниб турибдики, металлургия заводи боғида ўсган оқ акация, дуб, каштан, заранг ва жўка дараҳтларини баргларида темир ва марганец элементларини миқдори назоратдагидан кўра анча юқори бўлган.

В.И.Вернадский номли геохимия ва аналитик кимё институтининг материаллари шундан далолат берадики, (24) ўсимликларнинг таркибида ҳар хил элементларнинг кўп ёки кам бўлишлиги уларда ҳар хил касалликларни келтириб чиқарап экан. Биринчи галда ўсимликларда модда алмашинувини бузилишига сабаб бўлади, уларда морфологик ва анатомик ўзгаришларга олиб келар экан.

Карам кўчатларининг баргларида темирнинг 300 мкг/г, илдизларида 50000 мкг/г ва марганецни 3000 ва ! 5000 мкг/г гача кўпайиб кетиши хосилни 50% гача камайиб кетишига олиб келар экан. Шунингдек баргларида титаннинг концентрациясини 63 мг/кг, кадмийники 96 ва қўрғошинники 193, никельники 79 мг/кг бўлганида фотосинтезнинг хам 50 % га камайиб кетгани аниқланган (63).

Сули ўсимлигини хлороз касаллигига олиб келиши ва уни ўсишдан қолиши, ундан никельнинг 308 мг/кг, кобальтнинг 14.6 ва хромни - 49 мг/кг ошиб кетиши билан белгиланар экан.

Металларнинг дараҳтларга салбий таъсири туфайли ўсимликларнинг ассимиляцион аппарати ишдан чикади, унинг манзарали хусусиятлари камаяди ҳамда санитар-гигиена ахамияти пасаяди.

Ўсимлик баргларини сўлиб қолиши металургия комбинатининг чиқиндилари, айникса темирнинг захарли таъсири остида содир бўлади.

Атмосфера ифлосланишини экосистемаларга таъсири.

Р.Гудериан (12) ўзининг ишида атмосфера ҳавосиннинг хар хил экосистемаларга таъсирини қўйидагича классификациялайди:

1. Ифлослантирувчи моддаларнинг ўсимликларда, тупроқ ва сувларда тўпланиши;
2. Ифлослантирувчи моддаларни организмларда тўпланиб, уларни ҳалок бўлиши;
3. Атроф-мухитга боғлиқ ҳолда биологик хилма-хилликни ўзгариши.
4. Биокимёвий шаклларни ўзгариши.
5. Барқарорликни бузилиши, ўзини-ўзи бошқаришликни қисқариши;
6. Жамоаларда, экосистемаларда ўзаро муносабатларни бузилиши;
7. Чўл зоналарининг кенгайиши (Чўлланиш).

Қандай бўлишидан катъий назар ифлосланган атмосфера ҳавоси ўсимликларга экологик омил сифатида таъсир этади. Ҳавони ифлослантирувчи моддалар айрим, ҳамда бир-бирлари билан қўшилган (яъни комплекс) ҳолатда ўсимликларга таъсир этади. Бу соҳада тадқиқот ишлари олиб борилаётганда юқоридаги ҳолатни хисобга олиш зарур. Яна шунга эътибор қаратиш лозимки, атмосферани ифлослантирувчи моддаларнинг кўпчилиги табиатдан келиб чиқсан (мисол: озон, карбонат ангидрид, азот оксиди, олтингугурт ва бошқалар).

Атмосферани ифлослантирувчи моддалар, айникса бир йиллик ўсимликларга алоҳида таъсир этиши мумкин. Кўп йиллик ўсимликларда, айникса ўрмон экосистемаларига бу таъсиротни тезда англаб бўлмаслиги мумкин. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши фақатгина ифлослантирувчи

моддаларни саноат корхоналари томонидан чикарилишигагина боғлик эмас ва балки уларни тарқалиши шароитиа хам боғлик.

Олтингугурт оксиди ( $SO_2$ ) ҳамда фторводороднинг (HF) айрим ўрмонларнинг турларига таъсири ўрганилган. Бундай тажрибалар Европа ва Шимолий Америкада ўtkазилган (Загрязнение воздуха и жизнь растений, 1998). Ундан маълум бўлишича Рур области шароитида олтингугурт оксидининг узоқ дарахтини тарқалишига салбий таъсир кўrsатган. Англиянинг индустрисал тараққий этган худудларидан бирида ўсуви пиҳта (*Abies alba* Mill) дарахтига  $SO_2$  нинг таъсири туфайли унинг сонини ўрмонда камайиб кетганлиги аниқланган. Балки бу тур юқоридаги газга жуда чидамсиз бўлса керак. Шунинг учун хам баъзи Европа худудларида у қопламдан чиқиб қолмоқда. Иккинчи тажриба Чехословакиянинг Бескида районида ўtkазилади, унда ҳам узоқ вақтлар давомида  $SO_2$  гази билан ифлосланган хавонинг таъсири туфайли пиҳта дарахтн йўқ бўлиб кетган. Яна шундай хаво таъсири остида дарахтларнинг совукқа чидамлилиги камайиб кетиши туфайли улар қуриб қолган. Шундай қилиб, тоғли ўрмонларда ўсуви ель, бук каби дарахтлар орасида пиҳта  $SO_2$  га таъсирчан экан,  $SO_2$  ни концентрациясини янада ошиб бориши ( $50-70 \text{ мкг}/\text{м}^3$ ) ель дарахтини хам ўлиб кетишига олиб келади. Шундай қилиб, олтингугурт оксидини хаво таркибида кўпайиб бориши Марказий Европа шароитида оддий ельнинг йўқ бўлиб кетишига хам олиб келади. Демак, шундай холат давом этаверса ель дарахтидан ташқил топган экосистемаларнинг барқарорлиги бузилади. Бунинг акси, ҳамда шуни таъкидлаш керакки, оқ кайнин (*Betula vericosa*) ёки четан (*Sorbus persica*) юқоридаги ифлослантирувчи моддага толерантлиги (чидамлилиги) анча юқори экан. Шундай қилиб, пиҳта ва ель дарахтлари аста-секин доминантлик хусусиятларини йўқотиб боради, уни ўрнига эса кенг баргли дарахтлардан ташкил топган жамоалар ўз ўринларини экосистемаларда эгаллайдилар.

Қуйидаги жадвалда ель дарахтларидан иборат ўрмон экосистемалариға ифлос атмосфера хавосининг 8-йил мобайнида салбий таъсир этгандығы намойиш этилган.

Жадвал № 3

Баландлиги, м	5СК концентрациясын, мкг/м <sup>3</sup>	Таъсир этиш даражаси
440	79	Кам даражадаги касаллик белгилари
680	51	Ассимиляция қиласынан органларнинг аник камайиши
1200	38	Дарахттарни күплас шикастланиши. анрим дарахттар ва жамоадаги ўсимликларнинг гүлиши (курнб колиши).

Экологик омилларнинг ўсимликларни бардошлигига таъсирі мухим саналади. Ифлос атмосфера хавосининг таъсирига бўладиган ўсимликларнинг жавоб реакцияси, яна қуёш радиацияси, хаво харорати, хавоннинг нисбий намлиги, тупроқ, унинг унумдорлигини ва бошқаларга хам боғлиқ.

Юқоридаги жадвал материалларига назар солсак, ундан биламизки, денгиз сатхидан анча юқорида (1200) жойлашган ўрмон дарахтларига олтингугурт оксидининг таъсири ( $20-30 \text{ мкг/м}^3$ ) кучлироқ бўлган.

Ифлосланган атмосфера хавосининг таъсири остида экосистемаларнинг бутунлай йўқ бўлиб кетишин, ўсимлик қопламларини тутатилиши кузатилмайди.

Ифлосланган атмосфера хавосининг ўсимликларга, балки хайвонларга салбий таъсиридан ташқари у тупроққа хам таъсир этади. Цемент ишлаб чиқаришда хосил бўладиган магнезия чанги, айниқса тупроққа ёмон таъсир этади, уни унумдорлигини камайтиради.

Металлургия корхоналаридан чиқадиган оғир металлар чанг билан тупроққа тушади, уни холатини бутунлай ёмонлайди.

Таъкидлаш жоизки, ўсимликларнинг барги ва бошқа элементлари орқали хам тупроқ нисбатан ифлосланниши мумкин. Гап шундаки, чанг орқали ифлосланган ҳавонинг айрим элементлари ўсимликларнинг баргига кўпроқ тўпланади. Вегетация тугагандан кейин эса ўша барглар ерга тўкилади ва тупроққа ўтади.

Айникса кислотали ёғинлар тупроқни ифлослантиради, унинг таркибида гумусни камайтиради.

Маълумки, қўпчилик ўсимликларнинг хосилдорлиги уларни ҳашоратлар орқали четдан chanгланишига боғлиқ. Бошқаларга таъсир этгани каби олtingугурт оксиди, ҳамда фторводород ҳашоратларга хам салбий таъсир этиб, улар томонидан ўсимликларни четдан chanгланишини сусайтиради, натижада мевали дарахтларнинг хосилдорлиги камаяди.

Экосистемаларда содир бўлаётган жараёнларга ифлосланган атмосфера ҳавоси бевосита ва билвосита таъсир этади. Бундай таъсирот, албатта атмосфера ҳавоси қанча кўп ифлосланса шунча кўп бўлади. Экосистемалардаги салбий ўзгаришлар давом этаверса, ўсимликлар томонидан биомасса хосил қилиш камайиб кетади, агар бу жараён давом этаверса экосистема батамом барбод бўлади, уни ўрнига бошқа чидамлироқ қопламлар юзага келади. Бу муаммолар хам тўлиқ охиригача ечилгани йўқ. Бунинг учун катта миқиёсдаги тажрибалар, керак, қайсики ифлосланган атмосфера ҳавоси ўсимликларга ёки салбий, ёки ижобий таъсир этади.

Айрим маълумотлар борки, хар хил дарахтлардан ташкил топган аралашган ўрмонларда карбонат ангидридини ҳавода кўпайиб бориши уларга ижобий хам таъсир этар экан. Яна шундай тахминлар борки саноат корхоналари томонидан атмосферага чиқарилаётган азот оксиди ( $N_2O$ ) ўсимликларни ўсишига ижобий таъсир этар экан. Илгари таъкидланганидек олtingугурт оксиди, озон, фторлы водородни ҳаво таркибида ортиб бориши ўсимлик биомассаларини камайтиради.

Ўсимликлар томонидан ҳосил қилинадиган биомассанинг камайиши куйидаги ҳолатлар билан тушунтирилади:

1. Ўсимликлар томонидан карбонат ангидридини кам миқдорда ассимиляция қилиниши, қайсики уларда содир бўладиган ва биокимёвий ва физиологик жараёнларни сусайиши.
2. Ўсимликлар барг пластинкаларини қисқариши билан, қайсики бу жараён некроз касаллиги билан тушунтирилади. Бундан ташқари ўсимлик барглари эрта тўкилиб кетадн, ёки уларнинг ўсиши суст бўлади.
3. Ифлосланган атмосфера ҳавосига чидамсиз турларнинг қуриб қолиши (қопламдан чиқиб қолиши) туфайли.

Шуни эътиборга олиш зарурки, ифлосланган атмосфера ҳавосининг ўсимликларга таъсирини бошланғич даврида уларга нима салбий таъсир этаётганини аниқлаш қийин. Чунки экстрамал шароит (иссиқ ёки совук иқлим. намликтинг ортиқча бўлиши, ҳашоратларни таъсири) ҳам ўсимликлар қопламига, хусусан экосистемаларга ҳам салбий таъсир этиши мумкин.

Ифлосланган атмосфера ҳавосининг умумий биомассага бўлган таъсири экосистеманинг асосий элементларини ўзгариши билан белгиланади. Мисол учун доминант ва эдификатор турлар агарда ифлосланган ҳавога жуда сезгир бўлиб, улар биомассаси камайиб кетган бўлади. Доминант ёки эдификатор турларга салбий таъсир узок вақтлар давом этиб тураверса, улар ҳам қопламдан чиқиб, унинг ўрнини бошқа турлар эгаллайди.

Ифлосланган атмосфера ҳавосининг таъсири остида ўсимликларнинг шох ва новдалари нисбатан камайди, натижада ўрмонларнинг "очик" жойлари пайдо бўлади. Бундай очик жойларга эса қуёшдан тушган ёруғлик ва энергия туфайли ўрмон тўшамаларида (подстилка) жараёнлар тезлашади. Бу нарса одатда тупроқдаги озиқа моддаларини кўпайишига олиб келади. Лекин атмосферани ифлосланиш даражаси ортиб бораверганидан кейин эса тупроқ аччиқ бўлиб қолади, органик моддаларнинг бўлиниши сусаяди, ва тупроқда заҳарли моддаларнинг тўпланишига олиб келади (алюминий).

Умумий биомассанинг ҳосил бўлиши, биринчидан дарахтларни (древесина) ва уларнинг мевасини кўпайишини таъминлайди. Иккинчидан ўсимликлар қоплами ва ландшафтини ўзгаришига олиб келади. Олиб борилган хисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, атмосфера ҳавосининг ифлосланиш натижасида игна баргли дарахтлардан ташкил топган ўрмонлар кўплаб салбий таъсиранар экан. Натижада улардан олинадиган ўрмон дарахтлари материаллари камаяр экан. Шунингдек ифлосланган атмосфера ҳавоси минерал моддаларнинг алмашинувига ҳам таъсир этар экан. Бундай ҳолат экосистемаларга таъсир этади ва қуидаги ўзгаришларга олиб келади:

1. Ўсимликлар томонидан тупроқдан олинадиган озуқа моддаларининг сифат ва миқдори ўзгаради.
2. Ўсимликлар барглари томонидан ютиладиган озуқо моддаларнинг миқдори ўзгаради.
3. Тупроқ таркибидаги озуқа моддалар, ҳамда уларнинг ўсимликлар учун қиммати камаяди.
4. Гумус қатламининг парчаланиши динамикаси ўзгаради.
5. Қопламдаги ифлосланган атмосфера ҳавосининг таъсирига берилувчан ўсимликларнинг таркиби ўзгаради.

Ифлосланган атмосфера ҳавосининг таъсири туфайли ўрмон жамоаларидан нина баргли дарахтлар чиқиб, уларнинг ўрнини кенг баргли дарахтлар эгаллайди.

Ўсимликлар қоплами тўлиқ равишда йўқ бўлиб кетганда, улар албатта ландшафтга ҳам салбий таъсир ўтказади. Бу нарса эса ўз навбатида тупроқнинг сув режимига таъсир этади. Ўрмонлар камайгандан кейин уларнинг қорни сақлаб қолиш функцияси ҳам ўзгаради.

Юқорида баён этилган фикрлардан қуидаги холосага келиш мумкин. Ифлосланган атмосфера ҳавоси умуман экосистемаларга салбий таъсир этади: Ифлос моддалар ўсимликларда, тупроқда ва сувда тўпланади.

Экосистемаларнинг функцияларини бузилишига олиб келади, улардаги биогеокимёвий реакцияларни ўзгаришига сабаб бўлади, экосистеманинг

барқарорлиги бузиладн. Ўрмонлар билан банд майдонлар камайиб, эрозия ва чўлланиш жараёнларига олиб келади.

Ифлосланган атмосфера ҳавосн айниқса нина баргли дарахтлардан ташкил топган қопламларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳар хил концентрацияли ифлосланган атмосфера ҳавоси ўсимликларнинг умумий ҳолатларини ёмонлаштиради, биомассани камайишига сабабчн бўлади.

Булардан ташқари табиий экосистемаларнинг вайрон бўлиши, айниқса ўрмонларни, уларнинг функцияларини ўзгартириб юборади. Яъни ўрмонлар томонидан тупроқ қатламларини химоя қилиб туриши сусаяди, сув режимини бузади, ўрмонларнинг рекоеацион функцияси бузилади.

Демак, ифлосланган атмосфера ҳавоси ҳар томонлама табиатимизга салбий таъсир кўрсатар экан.

### **Мавзу: Саноат корхоналарининг санитария-гигиена зоналарида ўсимликлардан фойдаланиш.**

Атроф-мухит ифлосланган шароитда айниқса, атмосфера ҳавосини, сувни, тупроқни чиқинди моддалар бнлан ифлосланишида, уларни соғ ҳолатга келтириш, уларни тозалаш алоҳида аҳамият касб этади. Бундай планда биологик методлар алоҳида роль ўйнайди. Маълумки ўсимликлар дунёси табиатда сув режимини бошқаришда, тупроқни эрозиядан саклашда. иқлимини мўътадиллаштиришдан ташқари ўзига хос фильтрлар ролини ўйнайдилар, чунки улар саноат чиқиндилари ингредиентлари фильтрлашда уларни нейтраллаштиришда иштирок этадилар.

Табиий ўсимликлар қопламларини сақлаб қолиш ва янги маданий фитоценозларни давом эттириш ҳар доим кутилган натижаларга олиб келмайдн. Бу нарса шу билан боғлиқки, маълум ифлосланган муҳитда содир этилган плантацияларни давом эттириш, уларни тур таркиби, қалин-сийраклигини сақлаб қолиш талаб этилади.

Кўп йиллик тадқиқотлар асосида металлургия корхоналари томонидан ифлослантирилган шароит учун "яшил зона" ташкил қилиш тавсия қилинган. Металлургия корхоналари атроф-мухитни антропоген омиллар билан

ифлослантиришда етакчи ўринларни эгаллайди. Бундай корхоналардан асосан атроф-мухитни ифлослантиришда мартен печлари, коксохимик махсулот ишлаб чиқарувчи цехлар кўплаб чиқинди моддалар чиқарадилар.

Корхоналарнинг атрофларида минимал равишда ташкил қилинган "яшил зона" кутилган натижаларни бермаётир. Бу зонадаги ўсимликлар ҳаводаги чангни ушлаб қолиш билан чегараланади. Ҳаво қуруқ бўлиб, шамол бўлган пайтларда дараҳтларда тўпланган чанглар яна ҳавога кўтарилиб, бошқа жойларга тарқайди.

Корхоналар атрофларида ташкил қилинган яшил зоналарни ўйлаб ва яхшилаб ташкил қилиш зарур, қайсики у максимал даражада атроф-мухитни соғ ҳолатга келтирсин. Таъкидланишича бир гектар жойдаги дараҳтлар. қайсики уларнинг ёши 20-30 йилга teng бўлса, улар бутун вегетация даврида 18000 кг гача саноат чангини ушлаб қолар экан. Металлургия корхоналаридан чиқадиган энг захарли газлардан бири олтингугурт (сернистий газ) гази хисобланади. Ушбу газни концентрацияси ва таъсир доирасига кўра завод ва унга яқин бўлган майдонлар З зонага бўлинади:

1. Газ концентрацияси энг юқори бўлган худудлар, бу худудлар асосан мартен ва домен печлари яқинларини ташкил қиласди. Бу зонада олтингугурт газининг ҳаводаги концентрацияси  $3 \text{ мг}/\text{м}^3$  дан юқори. Ҳаводаги захарли газларнинг юқори даражада бўлишлиги туфайли ўсимликларнинг барглари тезда қуриб келади.
2. Юқори концентрацияда газли ҳаво вақти-вақти билан такрорланиб туради. Бу зонада олтингугурт оксиди газининг миқдори  $3 \text{ мг}/\text{м}^3$  гача бўлади, ўртacha суткалик кўрсаткич  $1 \text{ мг}/\text{м}^3$  гача. Демак, ушбу зонада юқори даражадаги газли ҳаво вақти-вақти билан характерланади. Бу зона учун баланд бўйли, қалин шох-шаббали дараҳтлар танланади. Дараҳтларни оралари  $2.5-3.0 \text{ м}$ , буталарни оралари  $1 \text{ м}$  дан бўлиши керак.

Бу зона учун ҳам саноат ингриентларига бардошли, ҳамда газ-чангни кўпроқ ушлаб қолувчи ҳамда манзарали дараҳтлар бўлиши талаб қилинади.

Шуни таъкидлаш жоизки, юқоридаги дик зоналар ташкил қилиб, санитар-гигиена зоналарни кўпайтириш билан атроф-мухитни антропоген ифлосланишидан сақлаб бўлмайди. Бунинг учун комплекс тадбирлар **амалга оширилиши** яхши бўлар эди, яъни техник ва технологияларни яхшилаш йўллари билан.

Қуйида биз Ўзбекистон учун экилиши мумкин бўлган дараҳтлар ва буталарни тавсия қиласиз (Жадвал 10).

Жадвал № 10.

**Ўзбекистоннинг саноат корхоналари санитариа-гигиена зоналари учун ҳам кенг равишда рекрацион мақсадлар учун тавсия қилинган ўсимликлари.**

	Ўсимлик турлари	Ифлосланган зоналар		
.1	Taxus baccata			
2.	Ginkgo biloba h.			
3.	Picea abies (L) Karst			
4.	P.schrenkiana F. et M			
6.	Pinus pallasiana Lam			
7.	P.sievestris L			
8.	Thujopsis delabrata (L)jucc			
9.	Thuja occidentaris L			
10.	Biota orientalis			
11.	Juniperus virginiana J			
12.	Salix alba L			
14.	S.babylonica. L			

## **Мавзу: Саноат чиқиндилари билан ифлосланган шароитда ўсимликларнинг физиологик биокимёвий жихатидан чидамлилиги.**

Юқори даражадаги фитотоксиннанлар ўсимликлар организмига салбий таъсир этади, улардаги физиологик-биокимёвий жараёнларни бузади. Ҳозирги вақтда адабиётларда ўсимликларнинг сув режимига ҳар хил нокулай омилларнинг салбий таъсир этишлиги баён қилинган. Маълум бўлишича фтотоксикантлар билан эаарланган шароитда ўсуви ўсимликларнинг сув режими, худди уларга қургокчиликни таъсири каби бўлади.

Олиб борилган тажрибалар асосида шу нарса маълум бўлдики, саноат чиқиндилари билан ифлосланган атмосфера ҳавосида ўсан ўсимликларда фотосинтез жараёни сусаяди. Бу нарсанинг сабаби бўлиб, пигментлар копмлексини ўзгариши саналади.

Пигментлар комплекси муаллифлар томонидан металургия заводи ва ботаника боғларида ўрганилган ва улар ҳар хил ўсимликларда пигментларнинг миқдори ҳар хил бўлган. анчагина ёруғликни севувчи акация, терак ва дуб дарахтларида хлорофилл доначалари заранг ва жўкага нисбатан камроқ бўлган.

Ўсимликлар баргларидаги а ва б хлорофилл доначалари нокулай мухитни таъсири остида ҳар хил миқдори бўлади (жадвал 11).

**Ботаника боғи шароитидаги ўсимликлар баргидаги а ва б лорофилларнинг таркиби мг/г қуруқ модда хисобида.**

Турлар	Кузатилган вақти	Хлорофилл (а)	Хлорофилл (б)	Хлорофиллар суммаси	Хлорофиллар нисбати ±
Оқ акация	Май	3.73 ±0.06	2.09±0.01	5.82	1.7
	Июнь	4.34±0.05	2.55±0.03	6.89	1.7
	Июль	3.96±0.01	2.51±0.03	6.47	1.5

	Июль	3.96±0.01	2.51±0.03	6.47	1.5
	сентябрь	3.47±0.03	2.37±0.03	5.84	1.5
Дуб	Май	3.66±0.02	2.13±0.01	5.79	1.7

Заранг	Июнь	3.29±0.02	2.02±0.01	5.31	1.6
	Июль	3.62±0.05	2.44±0.04	6.06	1.5
	сентябрь	2.90±0.04	1.91 ±0.02	4.81	1.5
	Май	4.06±0.09	2.87±0.06	6.92	1.4
	Июнь	4.12±0.04	3.25±0.09	7.37	1.3
	Июль	4.14±0.08	3.21 ±0.11	7.38	1.3
	сентябрь	3.96±0.02	2.17±0.04	5.23	1.4
Жўка	Май	5.41 ±0.10	3.88±0.09	9.32	1.4
	Июнь	4.39±0.12	3.35±0.04	7.72	1.3
	Июль	4.62±0.06	3.54±0.13	8.16	1.3
	сентябрь	3.88±0.07	3.12±0.06	7.00	1.2
Болле тераги	Май	2.97±0.01	1.51 ±0.01	4.51	1.9
	Июнь	2.33±0.01	1.33±0.01	3.66	1.8
	Июль	2.47±0.05	1.48±0.03	3.95	1.7
	сентябрь	1.96±0.03	1.17±0.01	313	1.7

Жадвал № 13.

Завод боғи шароитида ўсган ўсиликлар баргига а ва б хлорофилларнинг  
миқдори (қуруқ модда хисобида мг/кг)

Турлар	Кузатилган вакти	Хлорофилл (а)	Хлорофилл (б)	Хлорофиллар суммаси	Хлорофиллар нисбати ±
Оқ акация	Май	4.88±0.06	3.21 ±0.02	8.09	1.5
	Июнь	6.01 ±0.03	4.39±0.09	10.40	1.4
	Июль	5.63±0.09	4.32±0.07	9.45	1.3
	сентябрь	3.41 ±0.01	2.32±0.01	5.73	1.5
Дуб	Май	3.87±0.01	2.50±0.2	6.37	1.6
	Июнь	3.24±0.04	1.92±0.03	5.16	1.7
	Июль	4.13±0.08	2.96±0.01	7.09	1.04
	сентябрь	2.30±0.01	1.49±0.01	3.79	1.5
Заранг	Май	3.78±0.07	2.47±0.02	6.25	1.6
	Июнь	3.75±0.0	2.53±0.06	6.28	1.5
	Июль	3.00±0.04	2.09^0.03	5.09	1.5
	сентябрь	1.95±0.03	1.35x0.02	3.30	1.4
Жўка	Май	4.23±0.05	3.04±0.02	7.27	1.4
	Июнь	3.47±0.02	2.51 ±0.03	5.98	1.4
	Июль	4.14*0.09	3.16±0.05	7.30	1.3
	сентябрь	1,62±0.01	1.06±0.01	2.68	1.5
Болле тераги	Май	3.66±0.02	1.99±0.01	5.65	1.8
	Июнь	3.72±0.02	1.72±0.01	4.44	1.7
	Июль	3.66±0.03	1,49±0.02	4.15	1.8
	сентябрь	2.37±0.01	1.52±0.01	3.89	1.6

Ифлосланган шароитлардаги ўсимликларнинг каратиноидлари хам хар хил бўлган (жадвал \ 3). Дубда, акацияда ва терак дараҳтларида завод боғида вегетания давомида бошқаларга нисбатан каратиноидлар юқори бўлган. жўка, заранг ўсимликларида май ойидан бошлаб ифлосланган мухитларда каратиноидлар камаяди ва бу холат вегетация охиригача давом этади (Жадвал № 14.)

Ифлос атмосфера хавосини, мухитни хамда огир металларни таъсири остида комплек ўзгаришларга юз тутади. Бу жараёнларга айниқса, темирни салбий таъсири кучли бўлар экан. Тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқ бўлдики, магний, темир, марганец, рух, кобальт ва бошқалар пластидалар. кейин эса митохондрияларда тўпланар (локализация) экан (6, 37, 48).

Темирнинг ортиқча бўлиши ўсимлик баргларида хлорофиллни камайтирар экан. Бундан ташқари темирнинг ортиқча бўлишлиги митохондрияни структурасига хам салбий таъсир этар экан (5. 58).

Баргларидаги каратиноидларнинг микдори (мг/г қуруқ модда хисобида)

Тур	Май	Июнь	Июль	Сентябрь
Ботаника боғида				
Оқ акация	3.36±0.07	4.26±0.06	3.85±0.04	3.57±0.01
Дуб	2.98±0.02	3.06±0.04	3.45±0.01	2.76±0.02
Заранг	4.0±0.18	4.54±0.05	4.46±0.11	4.44±0.03
Жўка	5.51*0.18	4.80±0.09	4.87±0.11	4.44±0.07
Болли тераги	2.64±0.01	2.13±0.03	2.23±0.04	1.84±0.02
Завод боғи				
Оқ акация	4.55±0.06	5.81±0.10	5.49±0.09	3.30±0.04
Дуб	3.26±0.02	3.00±0.05	4.03±0.07	2.20±0.01
Заранг	3.66±0.08	3.86±0.05	3.02±0.03	2.14±0.06
Жўка	4.15±0.06	3.65±0.08	4.47±0.11	1.54±0.01
Болли тераги	2.96±0.02	2.54±0.04	2.35±0.03	2.15±0.01

Марганец, мис, кобальт ва бошқаларни юқори концентрацияларда бўлишлиги хлорофилни содир бўлишлигига катта таъсир этади (29, 61).

Кўпчилик муаллифларнинг кузатишича темир моддасининг ортиқ даражада бўлишлиги хлоропластлар жуда сезгир бўлар экан.

Оғир металларнинг пигментлар комплексига, бошқа хужайрани потенциалига фотосинтезни сусайишига олиб келади. Ўсимликларни

баргларидагн чанг энергия алмашинувины, транспирацияни тезлатади. Оқибат натижада сув дефицитига олиб келади (19).

Фитотоксикантларни узоқ вақт давомида ўсимликларга таъсири туфайли, қайсики баргларни шикастланиши содир бўлади, натижада эркин аминокислоталарни камайишига олиб келади. Некроз касаллигини пайдо бўлиши эркин аминокислоталарни тезда кўпайиб кетишига олиб келади.

Саноат фитотоксикантларини ўсимликларга таъсири бевосита, яъни ассимиляцион аппарат орқали, хам бевосита (ифлосланган тупроқ орқали) содир бўлади. Шунинг учун айrim ҳолатларда ўсимлик баргларидан ташқари уларни томири заҳарлариши мумкин. Қуйида эркин аминокислоталарнинг ўсимлик илдизидаги миқдори берилган (жадвал № 15), қайсики ифлосланган тупроқда ва назоратда (мг/г абсолют қуруқ модда хисобига).

Жадвал № 15.

Тур	Тажрибада	Сўрувчи ва ўсувчи илдизлар	Ўтказувчи илдизлар	
			1 -2 мм ли диаметр	3-15 мм диаметр
Оқ акация	Ифлосланган	63.78	41.00	36.81
	Назорат	66.40	59.18	47.44
Дуб	Ифлосланган	31.56	24.30	15.40
	Назорат	29.13	26.47	18.60
Каштан	Ифлосланган	29.86	24.68	15.64
	Назорат	19.52	19.75	14.81
Жўка	Ифлосланган	36.79	25.16	11.61
	Назорат	29.80	15.65	11.45

Ўрганилган барча ўсимликларда, уларга саноат чикиндиларнинг салбий таъсири туфайли, боғланган аминокислоталар миқдори бутун вегетация давомида ортиб боради. Оқ акация ўсимлигига боғланган аминокислоталарнинг миқдори август ойига бориб энг юқори бўлади, яъни

26 % назоратга нисбатан, шундай қилиб, саноат чиқиндилари билан ифлосланган мухитда яшил ўсимликларни холати ва ролини атрофлича ўрганиш ва тахлил қилиш шуни кўрсатадики, улар хар хил токсикантларни нейтраллаштиришда муҳим экологик омил саналар экан. Бизнинг фикримиз юқоридагилардаи келиб чиқсан холда, атроф-мухитни соф холат келтириш, хамда муҳофаза қилиш қўйидаги икки йўл билан олиб борилиши лозим.

Биринчи ва асосий йўл саноат чиқиндиларини камайтириш, қайсики у технологик жараёнларни мукаммаллаштириш, қарийб уларни чиқиндисиз ишлашини таъминлаш.

Иккинчи саноат корхоналари чиқиндилари билан мухитни ифлосланишига чек қўйишда биологик усулни қўллаш, яъни бунда тирик табиатнинг ўзи томонидан мухитни соғлигини таъминлаш ва бошқариш.

Бунда ўсимликларнинг ноёб хоссаларидан, ўринли фойдаланиш яъни атмосфера, сув ва тупроқдаги чиқинди моддаларнинг улар томонидан аккумуляция қилиниши, заарсизлантиришга асосланади.

Маълумки мамлакатимизнинг анчагина худудларида фойдали қазилмалар қазиб олинади. Уларда тошкўмир, нефть, газ, олтин, кумуш, камёб ва рангли металлар, хамда радиоактив уран. Биз биламизки, энг катта кўмир конлари Ангрен ва Шаргунда жойлашгиз, кўплаб фойдали қазилмалар, жумладан олтин конларн Марказий Қизилқумдан қазиб олинади. Хар бир конларни (шахталарни) атрофида (Ангрен, Шаргунда) миллионлаб тонна ташландиқ моддалар (тупроқлар, рудалар қолдиклари билан биргаликда) тупланиб қолади. Кейинги мақсад ушбу қолдикларни рекультивация, яъни тупроқни унумдорлигини ошириб қишлоқ хўжалик ерларнга айлантиришdir. Илгари мамлакатимиз ботаниклари томонидан Ангрен кўмир кони қазиб олинган ташландиқ жойларда рекультивация ишлари бошланган эди, лекин бу муҳим ишни охирига етказилмади. Келгуси вазифа ушбу қолдиқ жойлар учун мос келадиган ўсимликларни топиш ва уларни ўзлаштириш хисобаланади.

Юқорида бизнинг томонимиздан бир неча бор эслатиб ўтилган "Саноат ботаникаси" (1980) китобида Украина ниг Донбас кўмир конлари отвалларини (ташландиқ жойларини) рекультивация қилиш учун бир неча турлардан иборат мевали ва манзарали ўсимликлар тавсия қилинган. Улар оддий тол, терак, акация, дуб, гледичия, заранг, наъматак, тамарикс, сирень. Кўп йиллик ўтчил ўсимликлар хам тавсия қилинган: қашқарбеда, учбарг, йўнғиқча, буғдойик эспарцет ва бошқалар.

### **Мавзу: Жанубий Фарғона геохимик провинциясида атроф-муҳитни ва симоб моддаси билан ифлосланиши.**

Ҳозирги вақтда атроф-муҳитни соғлигига эришишда экологик мониторинг билан биргаликда кимёвий мониторинг муҳим хисобланади, чуки айрим экосистемаларни токсикантлар билан ифлосланишини аниқлаш асосида, унга қарши стратегик вазифаларни белгилаш мумкин.

Маълумки Фарғона вилоятининг Жанубий худудларида (кўпроқ Қирғизистоннинг тоғли туманларнда) 300 км масофада айланма шаклидаги масофада симоб ва унинг бирикмалари саноат микиёсида қазиб олинади. Бундай суръма ва симоб элементлари қазиб олиниб, Қадамжой комбинатларида қайта ишланади ва бойитилади. Шундай қилиб, ушбу моддаларни қазиб олиш, транспортларда ташиб келтириш, ҳамда уларни қайта ишлаш жараёидари туфайли унинг чиқиндилари ҳавога, сувга ва тупроққа тарқалади, уларни ифлослантиради. Исфайрам, Сўх ва машхур Шохимардон дарёларига тушади. Шу жараён бутун юқоридаги учта дарёлар ҳавзаларидаги муҳитни ифлослантиради.

Экологик жиҳатдан муҳим хисобланган ушбу муаммони ҳал қилишда Фарғона давлат университетининг етакчи химик олимларининг бу соҳадаги тадқиқот ишлари таҳсинга сазовор. Жанубий Фарғона биогеохимик провинциясидаги экосистемаларни симоб ва уни бирикмалари билан ифлосланишини С.Т.Тешабоев раҳбарлигига С.М.Ўрмонов муваффакиятли

равища бажаради. Бу соҳадаги жуда кўп натижалар қатор илмий мақола, ичарда баён қилинади (Ўрмонов, Рахматов, Тешабоев 1985).

Мазкур диссертацион ишиинг мақсади шуки, симоб концентрацияларини ҳар хил муҳитларда тарқалишини (сув, тупроқ, ўсимликлар ва хайвонларнинг ҳар хил органларида) аниқлаш. Бундан ташқари симоб моддасининг миграция, уни атроф-мухитга таъсири хамда унга қарши профилактик иш олиб бориш.

Тадқиқот объектлари бўлиб дарё сувлари, тупроқ ўсимлик ва хайвонот дунёсининг айrim вакиллари хисобланади. Симоб қазиб олинган майдонлардан узоқлашган сари унинг концентрацияси ва миқдорнни камайиб бориши аниқланган. Симоб ва уни бирикмалари қазиб олинувчи шахталардан ҳар хил масофаларда жойлашган Исфайрамсой, Сўх ва Шохимардон дарёларининг сувлари таркибида симобнинг ҳар хил концентрациялари аниқланган. Улар тўғрисидаги материаллар қўйидаги жадвалда келтирилган (жадвал № 16).

Ундан маълумки, симоб моддаси ёғинларда, аралашмаларда ва сувларнинг таркибида учрайди. Ифлослантирувчи манбага яқинлиги учун барча анализлар Исфайрамсой ва Сўх дарёлари хавзаларида юқори бўлган. Энг симоб кўп тарқалган жой Чаувада, яъни конни яқинида бўлган. Энг юқори кўрсаткич Чаува атрофидаги ёғинларда, аралашмаларда ва сувда бўлган (340.1; 16,8:20,5 Мкг/л).

Шохимардон дарёси хавзасида олинган материалларни таҳлил қилсак, улардан энг кўп микдори Қадамжойда ва энг ози микдори эса Марғилонсойда (Фарғона шахри яқинида) бўлган, жадвал № 16.

Жадвал № 16.

Симоб моддасининг аралашмаларда ва сувдаги ўртacha микдори (мкг/л)

Жадвал№ 16.

Симоб мөддасининг аралашмаларда ва сувдаги ўртача миқдори (мкг/л)

Намуналар олинган жойлар Ёғинлар  Аралашмалар /сув			
Исфайрамсой дарёси хавзасида			
Чаувада, Дарё суви	1.08	3.4	1.6
Чаувадан 10 км узоқлиқда	1.67	3.3	2.0
Чаува. Штольная 39	1.34	8.1	3.7
Чаува. Роф	340.1	16.8	20.5
Чаува. Исфайрамсой	1.30	5.4	2.8
Қувасой.Исфайрамсойда	0.50	2.7	4.4
Фарғонада кўприкбоши	0.30	2.02	3.1
Исфайрамсойда			
Сўх дарёси хавзасида			
Чашма кишлоги	1.26	8.6	5.8
Хайдаркон.Штольная	2.34	5.8	5.0
Сўх кишлоги, Сўх дарёси	2.73	9.1	6.4
Тул кишлоги, Сўх дарёси	1.96	7.4	4.47
Оҳчи кишлогида, Сўх дарёси	0.98	4.2	«
Шоҳимардон дарёси хавзасида			
Ёрдон кишлоги Оксув сойи	0.92	1.73	1.4
Хамзаобод кишлогида	1.02	2.9	2.22
Шоҳимардон дарёси	2.80	8.5	4.4

Қадамжой кишлоги			
Шоҳимардон дарёси Водил кишлоги	1.90	4.4	3.12
Фарғона шахри Марғилонсой	2.05	7.3	4.2

Үрмонов С.М. ўз тадқиқотдарида симоб моддасининг тупроқларни хар хил горизонларигача тарқалишини аниқлаган. Яна шуниси характерлики, симобнинг тарқалишини хам қўриқ, ва хам маданий (сугориладиган) тупроқларда аниқлаган (жадвад № 17). Симобни тарқалиши тупроқни юзасида (15 см), ўртасида (15-60 см) ва чуқурроқ қисмларида аниқланган. Маълум бўлишича маданий тупроқнинг юқори қисмида симобнинг миқдори 0.09 дан 8.7 мг/кг гача бўлгаи. Албатта симобнинг миқдори конларга яқин бўлган жойларда. Мисол учун Ҳайдаркондаги ифлосланган тупрокларнинг юқори қаватида (0-15 см) симобни миқдори 8.7 дан 72.0 мг/кг гача етади. Қайсики нормадан 3-4 марта ортиқ.

Кўйидаги жадвалда симоб моддасини манбадан хар хил узоқликдаги тарқалиши берилган. Симоб моддасининг энг кўп тарқалган масофаси 3-4 дан 10 км радиусгача боради. Аниқланишича тупроқнинг симоб моддаси билан ифлосланиши асосан, уни қазиб олиш, ташишда ва уни қайта ишлашда содир бўлади.

#### Жадвал № 17.

Жанубий Фарғона биогеохимия провинциясининг тупроқларида симоб моддасининг тарқалиши (мг/кг).

Рудникдан хар хил масофада	Бўз тупроқлар чуқурлиги См				Маданий тупроқлар чуқурлиги см			
	0.15	15-60	60- 100	>100	0.15	15-60	60- 100	>100
<b>Исфайрамсой хавзаси (Чаувай рудниги)</b>								
500 м юқорида	1.00	0.74	0.69	0.42	1.15	0.93	0.84	0.51
500 м пастда	7.20	6.30	5.80	6.10	7.80	7.45	6.80	3.74
10 км	0.82	0.79	0.54	0.57	1.24	1.28	0.96	0.49
20 км	0.64	0.56	0.41	10.0	0.91	0.81	0.72	0.33
30 км	0.32	0.29	0.22	0.21	0.64	0.56	0.39	0.17

Сүх дарёси хавзаси (Хайдаркон рудниги)								
500 м юкорида	1.82	1.26	0.99	0.32	1.62	1.12	0.94	0.61
500 м пастда	6.98	4.59	2.94	1.67	7.69	8.73	3.41	1.80
10 км	0.73	0.59	0.42	0.31	1.16	1.26	0.54	0.32
20 км	0.64	0.51	0.39	0.22	0.87	0.68	0.45	0.29

30 км	0.57	1	0.39	1	0.24		0.19		0.56		0.48	1	0.20	0.14	1
-------	------	---	------	---	------	--	------	--	------	--	------	---	------	------	---

#### Шохимардон дарёси хавзаси (Қадамжой рудникни)

500 м юкорида	0.15	0.09	0.03	0.016	0.34	0.37	0.29	0.17
500 м пастда	0.36	0.23	0.17	0.096	0.98	0.81	0.64	0.42
10 км	0.29	0.19	0.13	0.09	0.50	0.57	0.39	0.25
20 км	0.21	0.16	0.09	0.04	0.29	0.27	0.21	0.10
30 км	0.10	0.09	0.06	0.02	0.16	0.14	0.12	0.09

Ушбу тадқиқотнинг энг муҳим томонларидан бири шундаки, муаллиф симоб билан ифлосланган ҳудудларда тарқалган бир неча турдан иборат мевали дараҳтларни ҳар хил органиларида ушбу моддани тўпланишини аниқлаш бўлган. Бунда ўриқ, олма ва тут дараҳтлари олинган. Уларнинг барги, новдаси меваси ва уругларидаги тупланган симоб моддалари аниқланган (жадвал № 18).

Ундан кўриниб турибдики, Чаувай, Қадамжой ва Ҳайдарконларидағи рудникларга якин жойларда жойлашган ўсимликларни таркнибida симоб моддасининг кўп бўлишилиги аниқланган. Шуни таъкиддаш жоизки, барча ўрганилган ўсимлиқдарнинг баргларида, уларни новдалари ва меваларига нисбатан симоб моддаси кўп тўпланар экан. Уларнинг баргидаги уни миқдори 0.019 мг/кг дан (Шохимардон дарёси хавзасида) то 3.87 мг/кг гача Чаувайда бўлган, симоб ушбу ўсимликларнинг меваларида энг кам миқдорда (0.001 дан. 0.61 мг/кг) бўлар экан. Ушбу маълумотлар Чаува рудниги олдида, шу қишлоқ яқинида, Учкўргон, Ҳайдаркон, Сўх, Чунгара, Оҳчи, Ёрдон,

Хамзаобод, Чимён қишлоқлари атрофларида хамда Фарғона, Қувасой шахри атрофларида ўсувчи мевали дaraohтларда аниқланган.

Жадвал № 18.

Мевали дaraohтларда ўртача симоб моддасини тўпланиши мг/кг қуруқ модда хисобида.

Исфайрамсой дарёси хавзаси					
Дaraohтлар ва уларни органлари	Чаувай рудниги	Чаувай кишлоғидан 15 км узоклиқда	Учкўргон кишлоғи	Қувасой	Фарғона шахрида
Ўрик					
Барги	0.82	0.27	0.063	0.28	0.039
Новдаси	0.72	0.22	0.040	0.18	0.011
Меваси	0.1	0.09	0.022	0.019	0.002
Уруғи	0.06	0.02	0.005	0.016	0.003
Олма					
Барги	3.87	1.00	0.21	0.23	0.072
Новдаси	0.82	0.25	0.131	0.187	0.009
Меваси	0.15	0.073	0.037	0.039	0.007
Уруғи	0.01	0.0015	0.007	0.014	0.001
Тут					
Барги	2.62	0.025	0.31	0.022	0.063
Новдаси	1.84	0.15	0.17	0.017	0.029
Сўх дарёси хавзаси					
Дaraohтлар ва уларни органлари	Ҳайдаркон қишлоғи	Сўх қишлоғи	Чунгара қишлоғи	Оҳчи қишлоғи	

Үрик						
Барги	1.12	0.17	0.089	0.067		
Новдаси	1.82	0.034	0.028	0.023		
Меваси	0.35	-	0.014	0.010		
Уруги	0.29	-	-	-		
Олма						
Барги	3.56	0.19	0.12	0.09		
Новдаси	3.68	0.083	0.07	0.058		
Меваси	0.69	0.033	0.025	0.020		
Уруги	0.61	-	-	-		
Шохимардон дарёси ҳавзаси						
Дарахтлар ва уларни органлари	Ердон	Хамзаобод			Чимён	Фарғона
Ўрик						
Барги	0.019	0.036	0.774	0.693	0.026	0.031
Новдаси	0.012	0.025	0.831	0.522	0.018	0.006
Меваси	0.01	0.007	0.025	0.018	0.0054	-
Уруги	-	-	0.028	0.022	-	-
Олма						
Барги	0.032	0.051	0.934	0.875	0.058	0.035
Новдаси	0.005	0.009	0.761	0.596	0.009	0.004
Меваси	0.001	0.003	0.037	0.031	0.003	-
Уруги	-	-	0.028	0.022	-	-
Тут						
Барги	0.003	0.042	0.797	0.686	0.054	0.029
Новдаси	0.0022	0.0121	0.517	0.471	0.017	0.011

Мевали дарахтлар билан биргаликка симоб моддасини картошка, помидор, сабзи, пиёзларда хам аниқланган (Жадвал № 18). Ушбу резавор меваларни юқоридаги каби чувай. Учкўрғон, Ҳайдаркон, Ёрдон каби кишлоклар шароитида ўрганилган. Резавор меваларнинг ер устки қисмида, илдизида ваа илдизпояларида симоб моддасининг тўпланишлиги аниқланган. Бу ерда хам мевали дарахтлар каби ифлослантирувчи манбанинг яқинидаги мухитларда (Чаувай, Ҳайдаркон рудниклари атрофларида) ўсуви ўсимликларда симобнинг юқори концентрацияда бўлишилиги аниқланган. Бундан ташқари ушбу ўсимликларнинг ерни устки қисмидаги органларида кўпроқ тўпланган, яъни 0.081 дан 1.090 мг/кг гача. Бу ўсимликларнинг ер ости қисмларида, яъни илдиз, илдизпояларида уни миқдори нисбатан анча кам бўлган: 0.023 дан 0.840 мг/кг гача. Шунингдек симоб моддасининг оқ жўхорн, маккажўхори, буғдой, сули ва кунгабоқарларнинг хам ҳар хил органларида тўпланишлиги аниқланган (Жадвал № 20).

Шуниси эътиборга моликки симоб моддаси маданий ўсимликлардан ташқари табиий ўсимликларда хам аниқланган, манба сифатида ялпиз, ва оқшувоқ ўсимликлари олинган. Бу ўсимликларда хам симоб моддасини юқори концентрацияда тўпланишлиги аниқланган (ялпизда 6.95 ва оқшувоқда 4.16 мг/кг).

Ўрмонов С.М. симоб моддасини ўсимликлардан ташқарн ёмғир чувалчангидаги балиқ, бақа, чумчук, товуқ ва қўйларда хам тўпланишигини аниқлаган. (жадвал № 21). Юқоридаги ҳайвонларнинг жигар, буйрак, ўпкаларида кўплаб симоб моддасини тўпланишлиги аниқланган.

Юқоридаги тадқиқотлардан қуидаги хulosалар келиб чиқади. Жанубий Фарғона геокимёвий провинциясида саноат миқёсида қазиб олинаётган сурма-симоб конлари, бу ерлардаги экосистемаларни ифлослантиришнинг манбай хисобланади. Ифлослантириш манбай бу заҳарли симоб моддаси бўлиб, у қазиб олинишида, транспортлар орқали ташиб келиниши ва қайта ишлаш жараёнлари туфайли тупроқ ва сувларга тушади. Бундай тупроқларда ўсадиган табиий ва маданий ўсимликлар тупроқ таркибидаги симоб

моддасини олади. Симоб моддаси ўсимликларнинг баргларида, новдаларида, пояларида, илдиз меваларида тўпланади. Ушбу ўсимликлар ҳайвонлар учун озуқа манбаи бўлиб хизмат қилгани (табиий ўсимликлар) учун, улар хайвон организмида хам тўпланади. Бундай хайвонларни гўшти, сути, орқали эса одамларга хам ўтади. Бундай симоб моддаси билан атроф-мухнтни ифлосланиши бир неча қишлоқлар ҳамда Исфайрамсой, Сўх дарёси ва Шохимардон дарёси ҳавзаларида тарқалади. Симоб моддаси Қадамжой шахрида жойлашган қайта ишлаш заводида бойитилади. Унинг чиқиндиларини маҳсус "қабристонлар"да сақланади. Шундай қилиб, ушбу Жанубий Фарғонадаги экосистемалар симоб моддаси билан ифлослантиrmоқда. Ушбу ифлосланган манбадаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси вакилларини симоб-сурма вакилларидан ҳимоя қилиш зарур. Ушбу жойларда доимий экологик мониторинг ўтказилиб, табиий ресурсларни симоб ва уни бирикмаларидан ифлосланишига йўл қўймаслик керак.

### **Мавзу: Ўзбекистоннинг ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турлари.**

Жамиятимиз таракқиётининг хозирги босқичи табиат ва унинг компонентлари хисобланган тирик мавжудотларга, жумладан ўсимликлар дунёсига ташаётган антропоген таъсуротларнинг кенг миқёси билан характерланмоқда. Энг хавфли томони шуки, бу жараён умумбашарий тус олмоқда.

Узбекистоннинг флораси хилма-хил бўлиб, ундаги турларнинг маълум қисми ҳозирги пайтда халк хўжалигининг баъзи тармоқларида хамда махаллий қишилар томонидан доривор ва манзарали ўсимлик сифатида интенсив равишда фойдаланиб келинмоқда. Натижада, айникса, ноёб, эндем ва реликт (маълум майдонлардагини қадимдан сақланиб келаётган ўсимликлар) турларнинг майдонларн (ареали) қисқариб, уларнинг сони эса тобора камайиб бормоқда.

Флорамизнинг тўла сақланиб қолиниши келажакда хом-ашё базасини таъминлайди, хамда техникавий ва доривор ўсимликлардан тайёрланадиган

препаратларнинг ассортиментини кенгайтиради. Шу нарсаларни хисобга олган холда ва мамлакатимизнинг камёб ва ноёб ўсимлик турларини сақлаб қолиш мақсадида 1978 йилда Узбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг илмий кенгаши Узбекистон "Қизил китоб"ини таъсис этди.

Республикамизда муҳофазага муҳтож ўсимликлар генофондини сақлаб қолиш мақсадида Узбекистон ССР Министрлар Совети 1983 йил 3 майда "Ўзбекистон ССР Олий Совети Президентининг 1983 28 февральдаги "Ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ўсимлик турларини ижозатсиз йиғувчиларга нисбатан маъмурий жавобгарлик ҳақидаги" фармонини қўллаш тартиби тўғрисида қарор қабул қилди. Унда ўзбошимчалик билан ўсимликни ёки унинг маълум қисмини йигиб оловчиларга нисбатан чиқарилган жарималар миқдори келтирилди.

Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"нинг иккинчи (ўсимликларга бағишлиланган) жилди 1984 нашр этилди ва унга Давлат муҳофазасига олинган ёввойи холдаги 163 тур ўсимликлар киритилди. Ушбу Қизил китобдаги ўсимлик турлари табиатни муҳофaza қилиш ҳалқаро уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган таснифотга биноан 4 тоифага ажратилди, улар қуйидагилардан иборат:

1. Йўқолиб кетган ёки йўқолиб кетиш арафасидаги турлар;

Ноёб турлар (чекланган майдонлардагина сақланиб қолган ва йўқолиб кетиш хавфи бўлган, шу боис жиддий назоратни талаб этувчи турлар):

2. Йўқолиб бораётган турлар;

3. Камайиб бораётган турлар "Қизил китоб"нинг аҳамияти ва моҳиятни шундаки, у ўсимлик ва ҳайвонот олами вакилларининг ареаллари қисқариб, табиий захиралари қисқариб бораётган турлар тўғрисида маълумотлар берувчи муҳим хужжатdir. Унинг вазифаси кенг жамоатчилик ва давлат ижроия муассасаларини табиат муҳофазаси муаммосига жалб этиш ва турлар генофондини, яънн биосферанинг қимматли компонентлари ҳисобланган ўсимлик дунёсини сақлаб қолишга, уларни кўпайтиришга кўмаклашишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг "Қизил китоби"га (биринчи нашри) 163 турдан иборат ўсимликлар киритилган. Унда ўсимлик турининг номи, расми қайси оиласа мансублиги, тарқалиши ҳақида маълумотлар берилган. Энг муҳими шуки, ҳар бир турнинг схематик харитада унинг ўсиш жойи аниқ берилган. Шунингдек илмий маълумотлар асосида табиатдаги турларнинг микдори, уларнинг салбий ўзгаришларига таъсир этувчн омиллар, уларнинг олдини олиш, кўпайтириш йўллари. муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ҳакида қимматли маълумотлар баён этилган.

Республикамиз "Кизил китоби"ни ҳар беш йилда янгилаб туриш кўзда тутилган. Шунга қарамасдан ушбу муҳим хужжатнинг иккинчи нашри, орадан 14 йил ўтгандан кейин, 1998 йилда босиб чиқарилди. Унда мамлакатимизнинг етук систематик олимлари иштирок этди: И.В.Белолипов, А.Я.Бутков, Е.М.Залевская, И.Г.Левичев, А.М.Махмедов. Р.М.Мурзова, М.М.Набиев, Т.Насимова, Т.О.Одилов, Ў.П.Пратов, О.А.Титова. А.Х.Шарипов, F.М.Шерматов, Р.И.Қозоқбоев ва .бошқалар. Китоб республиказнинг кўзга кўринган ва етук систематик олими профессор Ў.П.Пратовнинг умумий таҳрири остида чиқкан.

"Кизил китоб"нинг муқаддамисида қўйидагилар таъкидланган. "Атроф-муҳитни ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш инсоният учун жуда катта ҳаётий аҳамиятга эга. Кишилар табиатдан фойдаланиб, унинг асрлар давомнда ташкил топган табиий манзарасини ўзgartирмоқда, унга салбий таъсир кўрсатмоқда. Саноат тармоқлари ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиб бориши ва табиий майдонларнинг кенг миқиёса ўзгартирилиши экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда. Натижада ўсимлик ва ҳайвонот турларининг камайиб кетиш ҳавфи туғилмоқда. Бу эса ўсимлик ва ҳайвонот оламидаги генофонднинг камайишига сабаб бўлмоқда. Ҳар қандай турнинг йўқолиши уни тиклаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади, бинобарин ёввойи ўсимликлар қишлоқ хўжалигига экиладиган маданий навларни барпо этишда манба сифатида жуда катта роль ўйнайди".

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, атроф-мухитни, ҳанвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилди. 1992 йил 9 декабрда "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида" 1993 йил 7 майда "Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида" ва ниҳоят 1997 йил 26 декабря "Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида" қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар барча ўсимликлар турларини сақлаб қолиш, унн асраб-авайлаш ва муҳофаза қилишда мухим хужжатлар бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон "Кизил китоби" ни биринчи нашри чиққандан кейин йиллар мобайнида олиб борилган қузатишлар шуни кўрсатдик, айrim турларнинг табиатдаги сони ва майдонлари нисбатан кенгайди.

Кейинги йилларда олиб борилган изланишлар ўлкамиз флорасидан яна 138 ўсимлик турини Қизил китобга киритиш лозимлигини кўрсатди. Шундай килиб қизил китобнинг 2007 йилда босилиб чиққан учинчи нашрига 306 тур ўсимлик киритилди.

**Хуноса.** Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи янги иқтисодий ривожланиш йўлига ўтишни тақозо этмоқда. Бу йўл ягона тўғри йўл бўлиб, жаҳон иқтисодиётининг тараққиёти заруриятидан келиб чиқади. Буни моҳияти шуки, табиат ва унинг ресурсларидан одилона фойдаланиш, табиат тақдирини инсон тақдирни эканлиги бош мезон қилиб олишdir.

2005 йилда БМТ нинг хомийлигига дунё мамлакатлари лидерларининг юқори даражадаги Саммити бўлиб, унда уч мингинчи йил учун ривожланиш концепцияси ва стратегик вазифалари белгилаб берилди. Бу планнинг асосий мақсади инсонни яхши яшаши ва фаровон хаёт кечириши учун дунённ яхшилашдир. Белгиланган вазифалар орасида экологик барқарорликнинг таъминлаш алоҳида ахамият касб этади. Чунки экологик хавфни бартараф қилмасдан туриб тараққиёт ва ривожланишни кафолатлаб бўлмайди. Бу устивор муаммолар орасида атмосфера ҳавосини, сув манбалари, хамда тупроқ ресурсларидан одилона фойдаланиш. Ўсимликлар ва бошқа моддаларни ўзида алюминни, титанни, оловани, мисни, кумушни, симобни

сингдирадилар. Бу жихатларидан улар биоиндикаторлик ролини қам үтайдилар.

Биз келгусида антропоген ва техноген омилларнинг таъсири ва миқиёсни ошиб бораётганлиги ҳисобга олган, холда, ўсимликлардаги мавжуд қонуниятларга асосланган холда барқарор ва сермаҳсул агроценозлар. ландшафтлар ташкил қилишимиз мумкин бўлади. Булардан *ташқари ҳар бир саноат корхонасиннинг* (металлургия заводларн, тог саноати, пахта заводлари, рангли металларни қайта ишлаш, кимё саноати ва бошқаларнинг) санитария гигиена зоналари учун маҳсус турларни ўстиришини тавсия қилишимиз керак. Бунинг учун ботаника ва экологияда азалдан мавжуд бўлган конкуренция, хаёт учун кураш, экологик ниша ва толерантлик каби ҳодисаларни ҳисобга олиниши лозим.

Ушбу фаннинг назарий, амалий фойдаси ўлароқ, ҳар хил мухитларга бардошли, чидамли, хаётчан ва албатта юқори хосилли турларни танлаб уларни интродукция ва акклиматизация қилишидир. *Худди шу долзарб муаммоларни хал қилишда бизнинг "саноат ботаникаси" фанимиз ҳам ўзининг хиссасини қўшиши лозим.* Бизнинг мохияти шундан иборатки, ўсимликларнинг чангни, ҳар хил чиқинди кимёвий, бирикмаларнинг, газларнинг ва оғир металларнинг ўзларига сингдириб олишдек ноёб функциялари мавжуд. Яъни ўсимликлар туфайли атроф-мухитдаги чиқинди моддалар нейтраллаштирилади, заарсизлантиради. Демак, ўсимликлар бизлар учун атроф-мухитни соғ холатга келтиришда, тозалаш ва уни муҳофаза қилишда бенихоя катта вазифаларни бажаради. Албатта ҳар бир турнинг биоэкологик хоссаларига бевосита боғлик равишда юқоридаги ишлар бажарилади. Уларнинг хусусиятларидан келиб чиқсан холда, айрим турлар атмосфера хавоси таркибидаги чангни, кимёвий бирикмалар ёки ҳар хил моддалар - металларни ўзларига сингдирадилар. Қайсилари кўргошинни, қайсилари рухни, марганец ва бошқалар.

Хуллас "Саноат ботаникаси" фани замон талабларига хозиржавоб предмет саналиб, талабалар ва барча табиат билан шуғулланувчи кишилар учун мухим услугбий қўлланма саналади.

